

**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 297 (092)

С – 31

Сатиболдиева Дилобар Шухратовна

**Ҳаким Термизий
ва
валийлик ҳақидаги қарашлар ривож**

Мутахассислик: 5А 220401 – Исломшунослик

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. в.б. И. Усмонов
Ички тақризчи: т.ф.н., доц. в.б. А.Абдуллаев
Ташқи тақризчи: т.ф.н. доц. Ҳ. Юлдашходжаев**

Тошкент – 2011

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I БОБ. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ «ВАЛОЯТ НАЗАРИЯСИ».....	11
1.1. Ҳаким Термизий ва унинг валийлик ҳақидаги қарашлари.....	11
1.2. Ҳаким Термизий илмий фаолиятида «Хатм ал-авлиё» мавзуси.....	22
II БОБ. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ «ВАЛОЯТ НАЗАРИЯСИ»НИНГ ТАСАВВУФДА ТУТГАН ЎРНИ	29
2.1. Ҳаким Термизий «валоят назарияси»нинг бошқа олимлар ижодига таъсири.....	29
2.2. Ибн Арабий ва унинг «комил инсон» назарияси.....	34
III БОБ. АВЛИЁЛАР КУЛЬТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	38
3.1. Исломда «авлиёлар култи»нинг шаклланиши.....	38
3.2. Культ билан боғлиқ маросимлар.....	48
ХУЛОСА.....	60
Фойдаланилган манба ва адабиётлар.....	66
ИЛОВАЛАР.....	76

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ўтмиш маданий мероси ва қадриятларини ўрганишга кенг йўл очилди. Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди¹. Шу боис, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида миллий ўзликни англаш, маънавий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш, ўтмишда яшаб ўтган мутафаккир ва алломаларнинг илмий-фалсафий ва диний-ахлоқий қарашларидан халқ оммасини баҳраманд этиш ҳаётий заруратга айланди².

Асрлар давомида халқимиз маънавий-ахлоқий ҳаётининг мезони ва негизларидан бири бўлиб келган ҳамда кишиларни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимотлардан бири тасаввуф бўлиб, у кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга чорлайдиган ва тарбиялайдиган одоб-ахлоқ мажмуи бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир. Тасаввуфий қарашларнинг яхлит таълимотга айланиб, ислом ўлкаларига кенг ёйилиб, кишиларнинг ҳаётида муҳим воқеъликка айланишида эса Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг ўзига хос ўрни бор. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Табаррук заминимизнинг қадрига етиш учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аجدодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак»³. Шу боис, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам тасаввуфга оид бир қанча илмий изланишлар амалга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

³ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 15-16.

оширилиб, тариқатлар тарихи, валийлар ҳаёти ва илмий мероси маълум даражада ўрганилди.

Жумладан, тасаввуф таълимотида «валийлик назарияси»нинг асосчиси деб тан олинган юртдошимиз Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий мероси борасида ҳам бир қанча изланишлар олиб борилган бўлишига қарамай, ҳали бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишлар салмоқли тадқиқотларни талаб этади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тил билан айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринлидир. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз⁴. Комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»⁵. Комил инсонлар ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари эса биз учун ҳамиша юксак ахлоқ намуналари бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, магистрлик диссертациясининг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, истиқлол шарофати билан ўзбек миллий урф-одатлари ва қадриятларини ўрганишга кенг имконият яратилди. Зеро, ўзбек миллати ўзлигини англаётган бир пайтда ушбу масалага эътибор беришимиз ғоятда зарурдир. Чунки, ўзликни англаш дегани фақат тафаккурни ўзгартириш эмас, балки миллий манфаатни ҳимоя қилиш, миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ўзга миллатлар олдида ўз обрўйсига эга бўлиш, жаҳон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш демакдир. Буларнинг барчаси миллатнинг ижтимоий –

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 118.

⁵ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 134.

маънавий қиёфасида ўз аксини топади. Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир⁶. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авланийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳақиқат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», – деган чуқур маъноли сўзлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарблик касб этади⁷. Тасаввуф таълимоти – инсоннинг руҳий ва маънавий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсонни комилликка элтувчи илмдир. Шу боис, тасаввуф халқимизнинг руҳий эҳтиёжларини қондириш, маънавий қадриятларини тиклаш ва теран англашга хизмат қилувчи таълимот бўлганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдига иймон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш вазифасини қўйган⁸ бир пайтда тасаввуфий ғояларнинг инсонлар ҳаётидаги, айниқса ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти каттадир.

Учинчидан, Ҳаким Термизий асарларида илгари сурилган ғоялар инсонларни тасаввуфнинг асл мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш, яхши ахлоқли бўлиш ва фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра долзарблик касб этаётган⁹ бугунги кунда ёшларни турли диний оқимлар таъсиридан асраш ҳамда энг асосийси, уларни илм олишга, ҳалол меҳнат қилишга ундашда муҳим аҳамиятга эгадир.

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 60.

⁷ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 62.

⁸ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 341.

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 119.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Мовароуннаҳр тасаввуф тарихи бўйича кўплаб изланишлар олиб борган В.В.Бартольд¹⁰, И.П.Петрушевский¹¹, Ж.Тримингэм¹², А.Кныш¹³ каби олимлар тадқиқотларида ўрта асрлар тасаввуф тарихига оид бир қанча маълумотлар келтирилган бўлсада, ўрта асрлар тасаввуф тараққиётининг ёрқин вакили Ҳаким Термизий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар деярли келтирилмаган. Жумладан, И.П.Петрушевский асарида аллома ҳақидаги маълумотларни учрамасада, Ибн Арабий ҳақидаги бир қанча қимматли маълумотларни келтирилади¹⁴. Ваҳоланки, Ибн Арабий тасаввуфий таълимотида, айниқса валийлик масаласидаги фикрларининг шаклланишида Ҳаким Термизий қарашларининг бевосита таъсири бор.

Аллома ҳаёти ва илмий мероси Миср, Туркия, Германия, Франция каби хорижий мамлакатларда маълум даражада ўрганилиб, махсус рисола ва илмий тадқиқотлар ҳам яратилган. Шунингдек, бу борада чуқур изланишлар олиб борган А.Шиммель¹⁵ А.Барака¹⁶, С.Жамилий ва А.Сойих¹⁷, У.Яҳё¹⁸, М.Жуюший¹⁹, Н.Сомий²⁰ каби хорижлик шарқшунос, исломшунос олимлар ўз тадқиқотларида Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидаги қарашларини мукамал ўрганиб, уни тасаввуф таълимотидаги «валийлик назарияси»нинг асосчиси сифатида эътироф этадилар.

¹⁰ Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Восточная литература, 1963. Т. 2.

¹¹ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966.

¹² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предис. О.Ф. Акимовича. – М.: Наука, 1989;

¹³ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля, 2004.

¹⁴ Қаранг: Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 335-338.

¹⁵ Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000.

¹⁶ Барака А. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назариййатуху фи ал-вилоя. – Қоҳира.: Мажмаъ ал-бухус ал-исламиййа, 1971.

¹⁷ Сайид Жамилий, Аҳмад Сойих. Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул фи маърифати аҳодис ар-расул» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дар ар-райёнли ат-турос, 1988.

¹⁸ Усмон Яҳё. Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Байрут.: Ал-матбаа ал-қосуликыййа, 1965.

¹⁹ Жуюший И.М. Ҳаким Термизийнинг «Манозил ал-ибод мин ал-ибода» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабиййа, 1974; Унинг ўзи: Ҳаким Термизийнинг «Ал-Масоил ал-макнун» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабиййа, 1980.

²⁰ Сомий Наср. Ҳаким Термизийнинг «Илм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми / Дироса фий илм ал-авлиё. – Қоҳира.: Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррия ал-ҳадиса, 1981.

Жумладан, алломанинг бир қанча асарларини нашрга тайёрлаган мисрлик олим Муҳаммад Иброҳим Жуёший «Масоил ал-макнуна» асарининг кириш қисмида валийлик мавзуси Ҳаким Термизий асарларининг бош мавзуси экани, аллома барча асарларида мана шу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтганини ва тасаввуф таълимотида биринчи маротаба валийлик мавзусини кенг шарҳлаб, таҳлил қилган суфий олимлардан экани ва энг асосийси Ҳаким Термизийдан кейин бу мавзу кенг оммалашиб, бу мавзунинг шарҳлаганларнинг деярли барчаси унинг фикрларига таянганини таъкидлайди²¹.

М. Иванов²², Л. Климович²³, И. Петрушевский²⁴, В. Басилов²⁵, С. Демидов²⁶, С. Криллина²⁷, Ж. Субхан²⁸ каби кўплаб шарқшунос олимлар исломда «авлиёлар култи» тарихи ва улар билан боғлиқ культ жойлар ва маросимлари бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борган бўлишига қарамай, бугунги кунгача ғарбда бу борада И. Гольдциэр²⁹нинг олиб борган тадқиқоти муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда юртимизда А.Жўзжоний³⁰, Н.Комилов³¹, Г.Наврўзова³², Ж.Холмўминов³³, И.Остонақулов³⁴, И.Ҳаққул³⁵,

²¹ Қаранг: Жуёший М.И. Ҳаким Термизийнинг «Ал-Масоил ал-макнуна» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980. – Б. 27.

²² Иванов М. О почитании святых в Исламе с точки зрения православного богослова. Богословско-полимическое исследование. – Казань, 1914.

²³ Климович Л. Культ святых в исламе и исследования о нем Игнатия Гольдциэра / Культ святых в исламе. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – стр. 3 – 20.

²⁴ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966.

²⁵ Басилов В. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970.

²⁶ Демидов С. Легенды и правда о "святых" местах. – Ашхабад.: Ёллим, 1988.

²⁷ Криллина С.А. Культово-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989.

²⁸ Субхан Дж.А. Суфизм. Его святые и святыни. – М.: Диля, 2005.

²⁹ Гольдциэр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938.

³⁰ Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001; Унинг ўзи: Тасаввуф сирру-асрори. // Мулоқот, 1998. – № 8. – Б. 32-35; Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси. // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени, 2003. – № 2.

³¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1995; Унинг ўзи: Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996; Унинг ўзи: Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1999; Унинг ўзи: Маънавий камолот илми. // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. – № 2.

³² Наврўзова Г.Н. Тасаввуфда валий тушунчаси. // Сирли олам, 1993. – № 7. – Б. 20-22; Унинг ўзи: Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2005; Наврўзова Г., Зоиров Э., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006;

М.Муҳиддинов³⁶ каби бир қанча олимларнинг тасаввуф тариқатлари тарихи, ривожланиши, тасаввуфни ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, валийлар ҳаёти ва уларнинг фаолиятини ўрганиш ва уларни халқ оммасига етказишдаги хизматлари каттадир³⁷. Юртимизда ҳам муқаддас ҳисобланган зиёратгоҳлар, улар билан боғлиқ маросимларнинг ўтказилиш тарихи бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Шулар жумласига М.Далиев³⁸, мустақиллик йилларида Б. Бобожонов³⁹, А. Мўминов⁴⁰, А.Аширов⁴¹ларнинг бу борада олиб борган тадқиқоти аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳам Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, У.Уватов⁴², И.Усмонов⁴³, Т.Аннаев⁴⁴, З.Чориев⁴⁵, Ж.Мирзаев⁴⁶,

³³ Холмўминов Ж. Нақшбандия пири // Тафаккур, 2001. – № 4. – Б. 48-52; Унинг ўзи: Тавҳидий тафаккур куйчиси // Ҳидоят, 2001. – № 8. – Б. 28-30; Унинг ўзи: Вужуд қуёшининг шуъласи // Сино (Техрон), 2002. – № 8. – Б. 32-34; Унинг ўзи: Ҳақиқат асрорининг кашшофи // Жамият ва бошқарув, 2001; Унинг ўзи: Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари («Шарҳи рубоӣёт» асари асосида): Фал.фан. ном. дис. ... автореф. – Т.: 2003; Унинг ўзи: Юнон фалсафаси ва тасаввуф // Сино (Техрон), 2004. – № 13. – Б. 11-18.

³⁴ Остонакулов И. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Т.: Янги аср авлоди. 2004; Унинг ўзи: Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007;

³⁵ Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1991; Унинг ўзи: Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва таракқиёти: Филол. фан. док. дис. ... автореф. – Т.: 1995; Унинг ўзи: Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998; Унинг ўзи: Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2007;

³⁶ Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси: Филол. фан. док. дис. ... автореф. – Т.: 1996; Унинг ўзи: Комил инсон талқини // Мулоқот, 2000. – № 5. – Б. 41-42;

³⁷ Юртимизда тасаввуф тариқатлари тарихи ва ривожланиши борасида кўплаб олимлар изланишлар олиб борганлар. Ҳаммасини қамраб олишни имкони бўлмаганлиги боис, «комил инсон» ва «валийлик» мавзулари бўйича тадқиқотлар олиб борган олимлар киритилди.

³⁸ Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана: Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Т.: "Фан" Уз ССР, 1966.

³⁹ Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма (на примере мазаров Астана-ата и Катта Лангар) / Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: Издательство «Фан» Академии Наук Республики Узбекистан, 1991. Унинг ўзи: Бабаджанов Б., Муминов А. Культ святых в Центральной Азии. Взаимовлияние «книжного» и «народного» в исламе / Мир ислама. – М.: Центр исламоведческих исследований при Институте истории Академии наук Татарстана, 1999. – № 1/2.

⁴⁰ Бабаджанов Б., Муминов А. Культ святых в Центральной Азии. Взаимовлияние «книжного» и «народного» в исламе / Мир ислама. – М.: Центр исламоведческих исследований при Институте истории Академии наук Татарстана, 1999. – № 1/2.

⁴¹ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

⁴² Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Маънавият, 2001; Унинг ўзи: Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005;

⁴³ Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тар. фан. ном. дис... - Т.: ТИУ, 2005. Унинг ўзи: Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари (Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари асосида). – Т.: Мовароуннаҳр, 2006; Унинг ўзи: Нодир масалалар (Ҳаким Термизийнинг «Жавоб ал-масоил аллати саъалаху аҳлу Сарахс анҳо» асари асосида). – Т.: Мовароуннаҳр, 2007; Унинг ўзи: Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003. - № 4; Унинг ўзи: Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳақида // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2004 . - № 1; Унинг ўзи:

А.Шоший⁴⁷ каби олимларнинг аллома ҳаёти ва илмий меросини ўрганишдаги хизматларини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Шунга қарамай, юртимизда алломанинг «валийлик назарияси» алоҳида бир тизимга солиб ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ҳаким Термизий асарларида валийлик мавзусининг ёритилиши, аллома қарашларини тасаввуф таълимотидаги «валоят назарияси»нинг шаклланишига кўрсатган таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда валийлик ҳақидаги қарашларнинг янги босқичда акс этиши, исломда «авлиёлар култи»нинг шаклланиш тарихи, кулът маросимлари ҳамда улар билан боғлиқ қарашларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

– Ҳаким Термизий асарларида валийлик мавзусининг ўзига хос талқинларини таҳлил қилиш;

– Ҳаким Термизий «хатм ал-авлиё» тушунчасининг мазмун-моҳияти ва бу борада билдирилган фикрларни таҳлил қилиш;

– Ҳаким Термизий валийлик ҳақидаги қарашларининг тасаввуф таълимотидаги «валоят назарияси»нинг шаклланишига кўрсатган таъсирини олимларнинг у хусусида билдирган фикрлари асосида кўрсатиш;

– Ибн Арабий ва унинг «комил инсон» концепцияси таҳлили;

– исломда «авлиёлар култи» шаклланиш тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

– «авлиёлар култи» билан боғлиқ маросимлар ва уларнинг ўтказилиш тартиби ўрганиш;

– «авлиёлар култи»нинг халқ ҳаётида тутган ўрнини таҳлили қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

«Ҳаким» номи хусусида // ТИУ илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: 2004. – № 3; Унинг ўзи: Мовароуннаҳр ва Хуросонда «тасаввуф» атамаси // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2005. – № 2;

⁴⁴ Аннаев Т. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Халқ мероси, 1998.

⁴⁵ Чориев З., Аннаев Т., Муртазоев., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Янги аср авлоди, 2008.

⁴⁶ Мирзо Ж. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. – Т.: San'an jurnali, 2007.

⁴⁷ Шоший А. Ҳаким Термизийнинг «Манозил ал-ибод мин ал-ибода» асарини ўзбек тилига таржима қилган. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.

–Ҳаким Термизий асарларининг бош мавзуси бўлган валийлик мавзуси ўрганилди;

–Ҳаким Термизий қарашларининг тасаввуфдаги валийлик ҳақидаги тизимли таълимот – «валоят назарияси»нинг шаклланишидаги муҳим ўрни очиқ берилди;

–Ҳаким Термизий тасаввуфга киритган «хатм ал-авлиё» тушунчасининг моҳияти ёритиб берилди;

–тасаввуф таълимотига Ҳаким Термизий қарашларининг таъсири кўрсатилди;

– Ғаззолий, ибн Арабийнинг «комил инсон» ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинди;

– исломда «авлиёлар култи» шаклланиш тарихи ўрганилди ва унинг ривожланишига сабаб бўлган омиллар кўрсатилди;

– «авлиёлар култи» билан боғлиқ маросимлар ва уларнинг ўтказилиш тартиби ўрганилди ва таҳлил қилинди;

– «авлиёлар култи»нинг халқ ҳаётида тутган ўрни таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, ундаги хулоса ва тавсиялардан олий ўқув юртларида ўтиладиган «Диншунослик», «Тасаввуф», «Маънавият асослари» каби фанлар ҳамда «Юртимиз алломалари», «Марказий Осиё халқлари тарихи» каби курсларни ўқитишда, шунингдек, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ҳамда келгусида ислом тарихи соҳаларида амалга ошириладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ҳаким Термизий асарларидаги валийлик мавзуси ва исломда «авлиёлар култи» тадқиқотнинг объекти қилиб олинди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, олти банд, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ «ВАЛОЯТ НАЗАРИЯСИ»

1.1. Ҳаким Термизий ва унинг валийлик ҳақидаги қарашлари

Алломанинг тўлиқ исми **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий** бўлиб, таржимаи ҳолига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожуддин Субкий, Хатиб Бағдодий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Суламий ва бошқалар асарларида, шунингдек, ўзининг қаламига мансуб «Бадъу шаъни Аби Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши»)⁴⁸ номли автобиографик рисоласида келтирилган. Алломанинг тўлиқ исми шунингдек, ўзи томонидан ёзилган «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-Расул» («Пайғамбар ҳадисларини билишнинг нодир усуллари»)⁴⁹, «Илм ал-авлиё» («Валийлар илми»)⁵⁰, «Хатм ал-авлиё» («Валийларнинг охиргиси»)⁵¹, «Назоир ал-Қуръон» («Қуръон ибратлари»)⁵² ва «ал-Масоил ал-макнуна» («Яширилган масалалар»)⁵³ каби асарларининг номлари ёинки муқаддима қисмларида ҳам айнан шу тарзда келтирилган⁵⁴. Ҳаким Термизий таваллуд топган сана ҳақида ҳам турли фикрлар келтирилади. Одатда, ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг фақат вафот этган йили кўрсатилиб, таваллуд этган санаси келтирилмайди. Ҳаким Термизийнинг Термиз шаҳри яқинида жойлашган мақбараси устига ўрнатилган қабртошдаги битикларда алломанинг ҳаёти ҳақида баъзи маълумотлар келтирилиб, вафот этган санаси хижрий 255 (милодий 869) деб ёзилган. Шунингдек, таниқли олим Ҳожи

⁴⁸ Ушбу рисолаи Усмон Яҳё «Хатм ал-авлиё» асарига қўшиб нашр қилган. Р.Абдуллаев ўзбек тилига таржима қилган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий. «Будувв аш-шаън» ёки Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳақида ёзган рисоласи // Сино, 2002. № - 7.

⁴⁹ Саййид Жамий ва Аҳмад Сойих томонидан нашрга тайёрланган. – Қоҳира.: Дар ар-раййонли ат-турос, 1988.

⁵⁰ Сомий Наср Лутф томонидан нашрга тайёрланган. – Қоҳира.: Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррия ал-ҳадиса, 1981.

⁵¹ Усмон Яҳё томонидан нашрга тайёрланган. – Байрут. : Ал-матбаа ал-қосуликийя, 1965.

⁵² Хусний Зийдон томонидан нашрга тайёрланган. – Қоҳира.: 1969. Қаранг: Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. ном. дис... - Т.: ТИУ, 2005. – Б. 170.

⁵³ Муҳаммад Иброҳим Жуюший нашрга тайёрлаган. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980.

⁵⁴ Уватов У. Икки буюк донишманд. - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 40.

Халифанинг «Кашф аз-Зунун» асарида ҳам юқоридаги маълумотлар келтирилган. Кейинги амалга оширилган тадқиқотлар⁵⁵ бу маълумотларнинг нотўғри эканлигини кўрсатади. Сўнгги келтирилган хулосаларга асосланадиган бўлсак, аллома 205/820 йил таваллуд топиб, 320/932 йил 115 ёшида вафот этган⁵⁶.

Ҳаким Термизий асарларининг сони ҳақида ҳам турлича фикрлар келтирилади⁵⁷. Бу хусусда кўплаб тадқиқотлар олиб борган олимларнинг баъзилари уларнинг сонини тўрт юзтага яқин десалар, яна бошқалари саксонга ёки қирқта эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Жумладан, мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Энг муҳими, Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келган асарлари унинг илмий меросининг муҳим қисмини ташкил этади⁵⁸.

Ҳаким Термизийнинг «валоят назарияси»га киришдан аввал тасаввуф таълимотида валийлик мавзуси хусусида қисқача тўхталишни маъқул топдик.

Тасаввуфнинг асосий ғояси инсонни маънавий камолотга етказиш бўлганлиги боис, «**валийлик**» - тасаввуфнинг муҳим мавзуларидан бири ҳисобланади. **Валий** (кўплиги **авлиё**) сўзи луғатда «**дўст**», «**яқин**» каби бир неча маъноларни англатади.

Валий – душманнинг зиддидир. Шунинг учун бир кишининг бошқа биров билан дўст бўлишига *тавалла* дейилади⁵⁹.

Ислом оламида пайдо бўлиб, тараққий этган тасаввуфнинг асосини ташкил этувчи ғояларнинг барчаси ислом динининг асосий манбаси ҳисобланган Қуръони карим ва ҳадисларга таянади.

⁵⁵ Алломанинг таваллуд ва вафот санаси хусусида турли фикрлар бор. Тўлиқ маълумот учун қаранг: Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. ном. дис... - Т.: ТИУ, 2005. (Бундан кейин: Усмонов И. Диссертация).

⁵⁶ Юртимизда алломанинг ҳаёти ва илмий мероси борасида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилганлигини ва буни тадқиқот мақсад ва вазифаларига киритилмаганини ҳисобга олиб, бу ҳақида алоҳида тўхталмадик ва ўша тадқиқотларга ишора қилдик. Қаранг: Кириш. – Б. 7-8.

⁵⁷ Қаранг: Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 22-31; Унинг ўзи: Икки буюк донишманд, - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 60-71; Усманов И. Диссертация. – Б. 166-198; Чориев З., Аннаев Т., Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 38-66.

⁵⁸ Уватов У. Икки буюк донишманд, - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 60.

⁵⁹ Мейлиева С. Валий атамасининг таърифи ва талқини // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. – № 3. – Б. 196.

Қуръони каримда **ولى** ўзагидан ясалган «валоят» калимаси фақат икки марта, лекин «валий» сўзи 24 марта бирлик, 62 марта кўплик («авлиё») шаклида, жами 86 жойда учрайди⁶⁰.

«Дўст» маъносини билдирувчи «валий» (кўплиги «авлиё») Қуръони каримда икки хил маънода келган:

1. *«Аллоҳ доим кузатиб, назорат қилиб турадиган, Ўз ҳимоясида сақлайдиган ва бир он бўлса-да, ўз нафси билан танҳо ташлаб қўймайдиган киши»* сифатида: **«У солиҳ бандаларни дўст тутар»**⁶¹ ояти шу маънода;

2. *«Тоат-ибодатлари натижасида Аллоҳнинг дўстига айланган киши»* маъносида⁶².

Суфий ва мутасаввифларнинг аксарияти Қуръони каримдаги: **«Аллоҳ эса тақводорларнинг дўстидир»**⁶³, **«Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари (дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар...»**⁶⁴, **«Аллоҳ имон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматдан нур сари чиқаради»**⁶⁵, **«У ғайбни билгувчидир. У Ўз ғайбини бирон кишига билдирмайди, фақат Ўзи рози бўлган элчиларгагина билдиради. Чунки У Ўзи рози бўлган кишиларнинг олдида, орқасига кузатувчи ва кўрикловчилар қўяди, уларни шайтонларнинг васвасасидан ёки билган-кўрган нарсаларида адаштирувчи нарсалар қориштиришларига тўсқин бўлади»**⁶⁶ каби оятлар, шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадисларга асосланиб ўзларини валийлик ҳақидаги қарашларини изоҳлайдилар. *«Аллоҳ бандалари орасида шундай кишилар борки, улар на пайғамбар ва на шаҳид, аммо қиёмат кунда унинг мақому даражаларини кўрган пайғамбарлар ва шаҳидлар уларга ҳавас*

⁶⁰ Тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Мейлиева С. Валий атамасининг таърифи ва талқини // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2007. – № 3. – Б. 197-198.

⁶¹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Аъроф сураси, 196-оят / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.

⁶² Оташ Сулаймон. *İşârî tefsir Okulu*. – Истанбул: Yeni Ufuklar, 1998. – Б. 286.

⁶³ Жосия сураси, 19-оят

⁶⁴ Юнус сураси, 62,63,64-оятлар.

⁶⁵ Бақара сураси, 257-оят.

⁶⁶ Жин сураси, 26,27-оятлар.

қиладилар»⁶⁷. Буларнинг кимлигини сўраган саҳобаларга Расулуллоҳ (с.а.в) бундай жавоб берганлар: *«Булар шундай кишиларки, ораларида қариндошлик алоқаси бўлмаса ҳам, бир-бирлари билан олди-бердилари бўлмаса ҳам, бир-бирларини Аллоҳ учун яхши кўрадилар. Уларнинг юзлари нур ва нурли минбар узра ўтирадилар. Одамлар қўрқувга тушганларида улар қўрқмайдилар, одамлар хавотирланганларида улар хавотирланмайдилар»*. Расулуллоҳ (с.а.в) бу сўзларни айтгач, қуйидаги ояти каримани ўқиганликлари нақл қилинади: **«Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари (дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар»**. Абу Ҳурайра (р.а)дан ривоят қилинган ҳадис: *«Расулуллоҳ (с.а.в): «Аллоҳ таоло бундай дейди», - дедилар: «Кимда ким менга дўст бандамга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қиламан! Бандам менинг учун энг маҳбуб бўлмиш Мен унга фарз қилган нарса билан Менга яқин бўлмади, агар бандам нафл тоат-ибодатлар билан Менга яқин бўлмоққа давом этса, Мен уни яхши кўраман. Мен агар бирор бандамни яхши кўриб қолсам, унинг эшитмоғи учун қулоқ, кўрмоғи учун кўз, ишлагоғи учун қўл, юрмоғи учун оёқ бўламан, у Мендан бирор нарса тиласа, тилагини раво қиламан, Мендан паноҳ тиласа, паноҳ бераман. Мен ўлимни ёқтирмайдиган мўминни жонини олишга иккиланмаганимдек, бирор нарса хусусида иккиланмайман, уни дарҳол бажараман, Мен бандамга ёмонликни раво кўрмайман»*⁶⁸.

Тасаввуф манбаларида «авлиё» сўзига маънодош бўлган аҳли кўнгил, аҳли дил, аҳли дард, ориф, мажзуб, ишқ эли, валиюллоҳ, хос қуллар, эранлар, азизлар, худонинг халқи, марди худо, мардон, аҳлуллоҳ, дарвеш каби бир қанча сўз ва иборалар ҳам ишлатилади⁶⁹.

Валий сўзига суфий тафсирларда қуйидагича таъриф берилади:

⁶⁷ Ат-Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра. Ал-жомеъ ас-саҳийҳ ва хува сунан ат-Термизий. Т.4. Китоб аз-зуҳд. (2390). – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 515-516.

⁶⁸ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам): 2 китоб / (Рикок) Латиф сўзлар китоби (6502). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 449.

⁶⁹ Қаранг: Муҳаммад Сиддик Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар / И.Остонакулов нашрга тайёрлаган. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 114.

«Илмда мустаҳкам (ҳаққоний олим)лар эса, дейдилар: «Унга имон келтирдик...»...»⁷⁰ оятига мувофиқ, **валий** - «илмда мустаҳкам бўлган ҳаққоний олимлардир»⁷¹. Тасаввуфга оид асарларда таъкидланишича, **валий** Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, Унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишлардан юз ўгирувчи ва шу сабаб Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир. Валийлар пайғамбарлар даражасидан кейин турадилар. Чунки Аллоҳ таоло халойиқнинг ҳаммасини, жумладан, авлиёларни ҳам пайғамбарларга эргашишга амр қилиб: **«Биз қайси бир Расулни юборсак, албатта Аллоҳнинг изни ила унга итоат қилиниши учун юборганмиз»**⁷², дейди. Муҳаммад (с.а.в) охирги пайғамбар ва шу билан набийлик ниҳоясига етган. Аллоҳ таоло пайғамбарлик аломатларини ҳозирги кунгача сақлаган. Авлиёлар эса, уларни намоён қиладилар⁷³. Шунга кўра, набийликнинг охири валийликнинг бошланишидир, яъни валийлар пайғамбарларнинг ворислари сифатида унинг эзгу ишларини давом эттирадилар. Нубувват тамом бўлган бўлса ҳам, валийлик мартабаси боқийдир, яъни қиёматгача давом этади. Набийлар «маъсум» (гуноҳлардан пок), валийлар эса «махфуз» (илоҳий муҳофазада) бўлади⁷⁴. Валийларнинг ахлоқлари энг гўзал ахлоқдир, шубҳасизки, бутун ҳаракатлари, зоҳирлари ва ботинларида Пайғамбар (с.а.в) қандилидан таралган нур таралиб турибди. Рўйи заминда пайғамбарлик нуриданда равшанроқ нур йўқ⁷⁵. Алишер Навоий ўзининг «Насойим ал-муҳаббат» асарида: «Ул Ҳазрат (с.а.в) анбиёнинг хотами эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди»⁷⁶, деб яъни Муҳаммад (с.а.в)нинг пайғамбарларнинг улуғи

⁷⁰ Оли Имрон сураси, 7-оят.

⁷¹ Абдулмунъим ал-Ҳифний. Ал-Мавсуа ас-суфиййа. – Қоҳира.: Мактаба мадбулий. – Б. 1345.

⁷² Нисо сураси, 64-оят.

⁷³ Субхан Ж.А. Суфизм. Его святые и святыни. – М.: Диля, 2004. – С. 74

⁷⁴ Оташ Сулаймон. İşârî tefsir Okulu. – Истанбул.: Yeni Ufuklar, 1998. – Б. 286.

⁷⁵ Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 1-китоб. – Т.: Мовароуннахр, 2000. - Б. 27.

⁷⁶ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Т. 17. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – Б. 14.

эканлиги, нубувватнинг охирига етгани, авлиёлар набийларнинг ўринбосари ва ҳақиқат йўлини кўрсатувчи зотлар экани таъкидланган.

Валийлар – Аллоҳнинг дўстлари бўлиб, Аллоҳнинг назарига тушган, алоҳида ҳурматга сазовар бўлган, кароматли, тақволи, солиҳ кишилардир. Мусулмон оламида каромат⁷⁷лари зоҳир бўлган, халқ томонидан авлиё деб тан олинган кишиларнинг аксарияти тариқат аҳлларида бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби бўйича валийлар ва уларнинг кароматларини ҳақ деб эътиқод қилинади. Каромат эса Аллоҳнинг инояти бўлиб, илму амали, тақвоси, хайру эҳсони, марҳамат-шафқати, ихлос-самимияти ва эътиқоди кучли бўлган кишиларгагина берилган. Валий инсон ахлоқида ақл ва ахлоқ, маърифат ва руҳоният кучи акс этган бўлиб, «Хулқингиз Аллоҳ хулқига мос келсин» («Таҳаллақу би ахлоқиллоҳи») ҳадисини ҳаёт мазмунига айлантиришган.

Авлиёлар билан боғлиқ ажойиб воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Бунга илк манбалардан бири сифатида Ибн Абил Дунё (ваф. 281-894 й)нинг «Китоб ал-авлиё» деб номланувчи рисоласини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу асар валийлар ҳақидаги энг ажойиб ҳужжат ҳисобланади. Ибн Абил Дунё асарида бирон бир методика ҳам, тушунча ҳам келтирилмаган, бироқ, валийлар ҳақидаги III – IX асрларнинг иккинчи ярмига тегишли бўлган муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақидаги қарашларини Абу Нуайм ал-Исфажоний (ваф. 948-1038 й) ўзининг «Ҳилйатул авлиё» номли асарида келтириб ўтган. Бағдодлик суфий Абу Саид ал-Харрози (ваф. тах. 286 – 899) «Китоб ал-кашф вал-баён» номли қисқа қўлланма ёзиб қолдирган. У валийлар мавзуси борасидаги айрим саволларни таҳлил остига олиб, суфийларнинг мавқе-даражаларига қарши чиқади. Пайғамбарлар мўъжизалари ва валийлар кароматлари орасидаги тафовутларни ўрганиш бўйича саволларни таҳлил қилган. Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам бир қанча

⁷⁷ Каромат – «юқорилик», «шараф» маъноларини англатади. Исломиётда кўра, ақли лол қолдирадиган ғайритабиий ҳодисадир. Шу ҳодисалар пайғамбарлардан содир бўлса, мўъжиза, азиз-авлиёлардан содир бўлса, каромат дейилади. Каромат 2 хил – аслий ва касбий каромат.

асарларида Абу Саид Харроз томонидан ёзилган бошқа асарлар нафақат ҳар томонлама мукамаллиги билан, балки унда валоят хусусидаги қарашлар кенг ёритиб берилган илк асар сифатида эътироф этади⁷⁸.

Тасаввуф тарихига назар ташлайдиган бўлсак, валоят (валийлик) мавзуси илк бор Зуннун Мисрий (ваф. 860 й) қарашларида таҳлил қилинади. Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 898 й), Абу Саид Харроз (ваф. 890 й) каби суфийларнинг қарашларида кўзга ташланган ва ислом илмларининг таркибий қисмига айланган бу тушунчани Ҳаким Термизий кенг таҳлил қилиб, янада ривожлантирди⁷⁹.

Ҳаким Термизий асарларининг бош мавзуси - «**валоят**» ва «**авлиёлик**» масаласига бағишланади. У деярли барча асарларида мана шу мавзуга алоҳида тўхталади ва тасаввуф таълимотида бу мавзунинг биринчи бўлиб мукамал шарҳлаган суфий олимлардан бири ҳисобланади. Ўзининг «Илм ал-авлиё», «Хатм ал-авлиё», «Манозил ал-ибод», «Маърифат ал-асрор», «Ғавр ал-умур» ва бошқа бир қанча асарларида валийликнинг таърифи, сифатлари, валий инсон хусусиятлари ва даражаларини баён қилиб беради⁸⁰.

Ҳаким Термизийнинг «**Илм ал-авлиё**» («Валийлар илми») асарини нашрга тайёрлаган Сомий Наср Лутф китобнинг кириш қисмида олимнинг валийлик ҳақидаги муфассал қарашлари бошқа китобларидан аввалроқ, айнан шу китобда келтирилганини таъкидлайди⁸¹.

Ҳаким Термизий ушбу асарининг биринчи бўлимида валийлик мавзусига тўхталиб, бу ҳақда шундай дейди: «Аллоҳ таоло **валийни** Ўзига томон кўтарган ва умматларидан унга яширин каромат ато этган. Улар ўзларини ёмон ишлардан узоқ тутганлар ва ёмон ҳаёллардан ўзларини тийганлар. Валийлар Аллоҳ таолонинг ердаги хос кишилари дир. Қиёмат куни пайғамбарлар ва шаҳидлар уларнинг Аллоҳ олдидаги мақомларини кўриб ҳавас қиладилар». Ҳаким Термизий бу китобида «Валийларга итоат

⁷⁸ Радтке Б. Wali – Expose general // Encyclopedie De L'Islam. – Paris: LAROSE S.A., 1978. – P. 120

⁷⁹ Қаранг: Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 45.

⁸⁰ Қаранг: Жуёший М.И. Ҳаким Термизийнинг «Ал-Масоил ал-макнун» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980. – Б. 27.

⁸¹ Қаранг: Сомий Наср. Ҳаким Термизий «Илм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррия ал-ҳадиса, 1981. – Б.50.

килиш худди халифалар ва пайғамбарларга итоат қилиш каби вожибдир», - деган фикрларни билдиради⁸² ва Аллоҳ таолони қуйидаги оятини мисол қилиб келтиради: **«...Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!»**⁸³. Айнан мана шундай қарашлари учун ҳам у шариат уламолари томонидан тазйиққа учради⁸⁴. Ҳаким Термизий ушбу ва бошқа асарларида валийлик хусусида ўз қарашларини айтиб ўтиб, тасаввуф таълимотида валийлик назарияси шаклланишига асос солди.

Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асари тасаввуф таълимотида «валоят назарияси»га бағишланган тизимли ва энг мукаммал манба ҳисобланади. Бу асарда «валийларнинг хатми (муҳри)»га тўхталишдан олдин Аллоҳнинг валийлиги ато этиладиган 10 та шарт хусусида тўхталади. Аллоҳ таоло бандасига бажариши лозим бўлган ушбу шартлари билан мартаба ато этади:

1) Қачонки банда бу шартни билгач, аммо унинг амалини етказмагач, Аллоҳ таоло унинг нафсини тийиб, итоатгўй бўлиши учун жабр маконига йўллаб, унинг Султони билан учраштиради;

2) Кейин уни ўз-ўзини яхшилаб, нафсида азалдан бор бўлган шаҳватни ўлдириши учун Султон мулкига юборади;

3) Кейин бандасини одоб ўрганиши учун Улуғворлик мулкига юборади;

4) Кейин, бандасига наф тегиши учун Жамол (гўзаллик) мулкига юборади;

5) Кейин Ўз улуғворлиги, буюклигини кўрсатиш учун Буюклик маконига юборади;

6) Кейин ақл-заковат соҳибига айланиши учун банда қалбига илоҳий кўрқув ҳиссини жойлайдиган Ҳайбат маконига йўллайди;

7) Кейин қалбини кенгайтириш учун Раҳмат маконига юборади;

8) Кейин тарбиялаш учун Шавкат маконига юборади;

⁸² Сомий Наср. Ҳаким Термизий «Илм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира, Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррия ал-ҳадиса, 1981. –Б. 49-50.

⁸³ Нисо сураси, 59-оят.

⁸⁴ Бу ҳақида шу бобнинг 2-бандида батафсил маълумот берилди.

9) Кейин қалби яхшиланиши учун кўз қамаштирувчи шод-хуррамлик маконига юборади;

10) Кейин уни ягонага айлантириш учун Фардонийя (ёлғизлик) маконига юборади⁸⁵.

Ҳаким Термизийнинг юқоридаги валийлик ҳақидаги қарашлари икки асрдан сўнг яшаган Абдулкарим Жилий ва ибн Арабийнинг «комил инсон» ҳақидаги қарашларига мувофиқ келади. Жумладан унда айтилишича, борлиқлар орасида Аллоҳни идрок этиш ҳам фақат инсонларга берилган. Аммо, инсоннинг бу қобилияти турли пардалар билан тўсиб қўйилган бўлиб, инсон дунёда қилган ибодати, зикри ва солиҳ амаллари билан руҳини моддий оламнинг таъсиридан ва ҳасадидан қутқариб, пардалар очилиб боравериби, бу қобилиятини юзага чиқаради.

Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидаги қарашлари мукаммалроқ очиб берилган асарлари орасида «Манозил ал-ибод мин ал-ибода» («Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари») асарини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу асар икки бобдан иборат бўлиб, бандачилик (Ҳаққа бандалик) қилишда, яъни, сайру сулук йўлида солиқнинг босиб ўтиши керак бўлган маънавий манзиллари ҳақидадир. Тасаввуф таълимотида бундай манзиллар ҳол ва мақомлар деб ҳам айтилади. Асарнинг биринчи бобида келтирилган манзилларнинг қисқа изоҳлари иккинчи бобида тўлиқроқ очиб берилади.

Ҳаким Термизий манзиллар ҳақида гапирар экан, Қуръони каримдан ва ҳадислардан далиллар асосида етти манзилни келтириб ўтади. Биринчиси *тавба* манзили, иккинчиси *дунёда зоҳидлик* манзили, учинчиси *нафс душманлиги* манзили, тўртинчиси *муҳаббат* манзили, бешинчиси *ҳою ҳавасни узиб ташлаш ва ундан покланиш* манзили, олтинчиси *қўрқув* манзили ва ниҳоят еттинчиси *қурбат* манзилларидир. Бу асарда валийларга хос бўлган хусусиятлар ҳақида шундай дейди: «Аллоҳ Ўз авлиёларини, солиҳ бандалари ва пайғамбару расуллардан пешқадамларини молу дунёдан

⁸⁵ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё / Усмон Яҳё нашрга тайёрлаган. – Байрут.: Ал-матбаа ал-қосуликийя, 1965. – Б. 336-337. (Бундан кейин: Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё)

бебахра қилганини зоҳидлик йўлига кирганлар биладилар. Аллоҳ уларга авратни ёпиб юриш ва очликдан сақланиб юриш учун кифоя қилгудек дунёга эга бўлишлик имконини берган. Аллоҳ Ўзининг авлиёлари ва асфиёлар учун дунёнинг сарой ва қароргоҳ бўлиб қолишига ва шунингдек, уларни дунёга ажабланиш кўзи билан қарашларига ва унга кўнгил қўйишларига розилик бермаган»⁸⁶ - дея қуйидаги оятни келтиради: **«Сиз (кофирлардан айрим) тоифаларни синашимиз учун бахраманд қилган дунё ҳаёти гўзалликларидан иборат нарсаларга кўзларингизни термултирманг! Роббингизнинг ризқи яхши ва боқийроқдир»**⁸⁷.

Аллома ўзининг **«Масоил аҳли Сарахс»**⁸⁸ асарида *валоят ва муҳаббатнинг маъноси* хусусида сўралган саволнинг жавобида Аллоҳнинг валийлари кимлар эканига тўхталиб, валийликнинг икки тури хусусида шундай дейди: Валоят (валийлик) икки хилдир: Бандани Аллоҳга *адоват гирдобидан тортиб чиқарадиган валоят* – тавҳид валояти. Иккинчиси эса, бандани *хиёнат гирдобидан тортиб чиқарадиган валоят*. У билан Аллоҳ азза ва жалланинг амин ишончли бандаларидан бирига айланади. Бу банда Аллоҳ йўлида нафси билан курашади. Аллоҳ учун нафси ҳамда етти тана аъзосини Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тияди. Фарзларни адо этади ва ўзида вараъ (художўйлик, парҳезкорлик)ни ҳосил этади⁸⁹. Яна бу асарда банда ўз нафси билан курашиши, ёмон ишлардан ўзини узоқ тутиши, Аллоҳнинг буюрганларини ихлос билан адо этиши натижасида Аллоҳ таолонинг валийси – дўстига айланиши, Аллоҳ таоло ҳам уни ҳидоят ато этиш билан сийлаб, нафси ва ҳою ҳаваслари устидан ғалаба қозонишга ёрдам бериши ва Аллоҳ ҳам унинг валийси – дўстига айланиши ҳақида айтиб ўтилади.

Ҳаким Термизий валоятни валояти омма (барча мўминлар учун хос) ва валояти хосса (Ҳақ васлида фано ва бақо мақомига етганларга хос)га

⁸⁶ Ҳаким Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 10.

⁸⁷ Тоҳо сураси, 130-оят.

⁸⁸ Ушбу асар савол-жавоб тарзида бўлиб, Сарахс аҳли саволларига олимнинг берган жавоблари келтирилган.

⁸⁹ Ҳаким Термизий. Нодир масалалар. «Масоил аҳли Сарахс» асари асосида. Араб тилидан И.Усмонов таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. Б. 29.

ажратади⁹⁰. Ҳаким Термизий валийларни ҳам валий сидқуллоҳ (суфийлар бу даражага шариат ва тариқатнинг барча талабларига риоя қилган ҳолатдагина эришадилар) ва валий миннатуллоҳ (бу мартабага суфийлар Аллоҳнинг инояти, илоҳий ишқ билан эришадилар), деб икки гуруҳга ажратган⁹¹.

Шунингдек, Ҳаким Термизий ўзининг пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган **«Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-Расул»** («Пайғамбар ҳадисларини билишнинг нодир усуллари») (Баъзи манбаларда «ахбор» сўзи ўрнига «аҳодис» сўзи қўлланилган) ёки бошқа бир номи «Салват ал-орифин ва бустон ал-мувахҳидин» («Орифлар тасаллиси ва мувахҳидлар бўстони») номли асарида ҳам «валоят», «валийлик», «илҳом», «фаросат» каби тасаввуфга оид мавзуларни кенг шарҳлайди⁹². Бу асарда **Аллоҳ авлиёларининг аломатлари** ҳақида тўхталиб, юқорида айтиб ўтилган усулда шу мавзуга доир қуйидаги ҳадисларни келтиради:

Ибн Аббос (р.а) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в)дан сўрадилар: «Аллоҳнинг авлиёлари кимлар?» Расули Акрам жавоб бердилар: *«Кўрганда Аллоҳнинг зикри ёдга тушадиган бандалардир»*. Бошқа бир ривоятда эса: Расулуллоҳ (с.а.в)дан сўрадилар: «Кимлар билан ўтириб ҳамсухбат бўлганимиз хайрли, эй, Расулуллоҳ?» Расулуллоҳ (с.а.в) дедилар: *«Кўриниши Аллоҳнинг зикрини ёдга туширадиган, сўзлари хайрли ишларингизни қўнайтирадиган, амали билан сизларга охиратни эслатадиган бандалар билан»*. Ҳаким Термизий бу ҳадисларни қуйидагича таҳлил қилади: Ҳадисда келтирилган сифатларга эга бўлган кишилар авлиёлар бўлиб, Аллоҳ таолонинг уларда зоҳирий аломатлари намоён бўлган. Уларда Аллоҳга қурбат кўрки, улуғворлигининг нури, ҳайбатининг ҳашамати, виқорининг шукуҳи мужассам бўлган. Авлиёларга назар солган одам, улардаги малакут асарини кўрадилар. Буларнинг барчаси уларнинг қалбларидан нур олади. Чунки қалб нур манбаидир, инсоннинг юзи мана шу манбадан сув ичади.

⁹⁰ Қаранг: Жуюший И.М. Ҳаким Термизийнинг «Ал-Масоил ал-макнун» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980. – Б. 27.

⁹¹ Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея и Энигма, 2000. – С. 164.

⁹² Қаранг: Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳақида // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2004. - № 1. – Б. 26.

Агар қалбда ваъд (охират хушхабари) ва ваъийд (охиратдаги таҳдид) Султони (яъни Аллоҳ таоло)нинг нури жо бўлган бўлса, у нур одамнинг юзига қалқиб чиқади. Бу чехрага юзинг тушса, у сенга яхшилик ва тақвони эслатади. Қалбингга эзгулик маҳобати, Аллоҳ таолонинг амрларини билиш илми жойлашади. Агар инсоннинг қалбида ҳақиқат Султонининг нури жо бўлган бўлса, унинг чехраси сенга ростгўйлик ва тўғрилиқни эслатади, сени эса ҳақ йўлдан юришга ва ҳидоятга ундайди. Агар унинг қалбига Аллоҳ таолонинг улуғворлик, ҳашамат, куч-қудрат нури жо бўлган бўлса, у бандага назар солишинг сенга Парвардигорингнинг азаматини, буюклигини ва маҳобатини эслатади ...⁹³.

Ҳаким Термизий ўзининг валийлик ҳақидаги қарашларини асарларининг ёзилиш услубидан келиб чиқиб таҳлил қилади. «Илм ал-авлиё», «Хатм ал-авлиё» каби асарларида валийликнинг таърифи, сифатлари, валий инсон хусусиятлари ва даражаларини батафсил баён қилиб берган бўлса, «Манозил ал-ибод» асарида валийлар босиб ўтиши керак бўлган манзиллар хусусида тўхталиб, уларни бирма-бир шарҳлайди. «Масоил аҳли Сараҳс» асарида *валоят ва муҳаббатнинг маъноси* хусусида сўралган саволнинг жавобида Аллоҳнинг валийлари кимлар эканига тўхталиб, валоятнинг икки турини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор ар-Расул» асарида *Аллоҳ авлиёларининг аломатлари* ҳақидаги ҳадисни келтириб, шу асосида фикрларини изоҳлайди.

1.2. Ҳаким Термизий илмий фаолиятида «Хатм ал-авлиё» мавзуси

Тасаввуф тарихида «**хотам ал-авлиё**» иборасини биринчи марта Ҳаким Термизий қўллаб, Қуръони каримдаги «**...Ва хотам ун-набиййин**»⁹⁴

⁹³ Ҳаким Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. «Наводир ал-усул» асари асосида. Араб тилидан И.Усмонов таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 29-30.

(«...пайғамбарларнинг муҳридир») оятига мувофиқ, «Набийларнинг хатми (муҳри) бўлгани каби валийларнинг ҳам хатми бор ва валоят оламидаги «Хотам ал-авлиё» нубувват оламидаги «Хотам ал-анбиё» кабидир», деган фикрни илгари сурган. Бу ҳақда ўзининг «**Хатм ал-авлиё**» («Валийларнинг муҳри»)⁹⁵ номи билан машҳур – «**Сират ал-авлиё**» асарини ёзган.

Ҳаким Термизий «Хатм ал-авлиё» асарида валоятнинг ўн хусусияти, ваҳий, илҳом, каромат, фаросат, қурб мавзуларига алоҳида тўхталиб, ҳақиқатга етишишда илм ва ақлдан ташқари яна бир илоҳий нарса – валийлик ҳам борлигини бир неча ўринларда таъкидлаб ўтган. Бу асар шайх ва мурид ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб тарзида ёзилган бўлиб, муқаддима ва қуйидаги 29 фаслдан иборат:

1. Ҳаққуллоҳ валийлиги.
2. Худонинг даъвати ва банданинг ижобати.
3. Ҳаққуллоҳ валийлиги ва валийуллоҳ.
4. Руҳоний саволлар.
5. Авлиё ва анбиё илми.
6. Валийуллоҳ
7. Валоятнинг ўн хусусияти.
8. Хотам ал-авлиё ва хотам ал-анбиё.
9. Нубувват ва валоят.
10. Валийлар аломатлари.
11. Шайтоний хавотирлар ва насхи илоҳий.
12. Аҳл ал- қурба (муқарраблар).
13. Хотам ал-авлиё.
14. Башорат.
15. Қуръон ва руҳ.
16. Мўминлар ва валийлар тафаккури.
17. Валоят ва нубувват ўртасидаги аҳд.

⁹⁴ Аҳзоб сураси, 40-оят.

⁹⁵ Бу асар баъзи манбаларда, хусусан, Хужвирийнинг «Кашф ал-махжуб» номли асарида «Хатм ал-валоят» шаклида келтирилган. Қаранг: Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 63.

18. Авлиё аҳволини инкор этувчилар.
19. Валоят, саодат, муҳаббат.
20. Валий ва гуноҳ.
21. Валий ва илоҳий сирлар.
22. Ҳидоят этилган ва танланган инсонлар.
23. Вақт ва жазба.
24. Мажзуб.
25. Хотам ал-авлиё.
26. Сохта авлиё.
27. Яхши ва ёмон давлат.
28. Дин аҳли.
29. Амаллар ва даражалар.

Ҳаким Термизий бу асарнинг «Руҳоний масалалар» деб номланган тўртинчи бобида 157 та савол беради ҳамда китобнинг бошқа бобларида бу саволларнинг деярли барчасига жавоб бериб ўтади.

Машҳур суфий олим Ибн Арабий асарларида Ҳаким Термизийнинг «валоят» ва «хатм ал-авлиё» борасидаги қарашлари такрор-такрор зикр этилади. Жумладан, «Футуҳот ал-Маккийя» асарида Ибн Арабий Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асарида кўрилган масалалар шарҳига 100 бетдан ортиқ катта бўлим ажратади. Чунончи, Ибн Арабий бу асарида «Хатм ал-авлиё» асарида ўртага ташланган 157 та саволга жавоб берган. Ушбу саволлар Ҳаким Термизий томонидан ўзини авлиё деб ҳисоблайдиган шахсларга берилган. Ҳаким Термизий бу саволларга жавоб бера олган шахсларнигина «авлиё» деб санаш мумкин деб ҳисоблаган. Мазкур 157 саволнинг аксариятининг жавоби алломанинг «Наводир ал-усул» асарида мавжуд. Ибн-Арабийнинг 157 та саволга берган баъзи жавоблари Ҳаким Термизийнинг асарларида мавжуд бўлган жавобларга мос келмаслиги аниқланган⁹⁶.

⁹⁶ Усманов И. Диссертация. – Б. 137-138.

Бундан аввал эса Ибн Арабий ушбу саволларга доир мустақил китоб «ал-Жавоб ал-мустақийм амма саъала анҳу ат-Тирмизий ал-Ҳаким» асарини таълиф этган эди.

Ҳаким Термизий ушбу асарида «валийликнинг даражалари» хусусидаги куйидаги фикрлари келтирилади: «Аллоҳ таоло бандаларига Ўз исмларини билдирди. Ҳар бир исмнинг мулки, ҳар бир мулкнинг султони бор. Ҳар бир мулкда аҳлига совғалар улашувчи мажлиси бор. Ва Аллоҳ таоло макондан мулкка ўтган хос авлиёларнинг қалблари учун бу мақомлар қилиб берди. Агар валийнинг мақоми биринчи мулкда бўлса, у исмлардан ўша исмга эга бўлади. Яна шунингдек, валийнинг мақоми иккинчи, учинчи ва ё тўртинчи мулкда бўлади. Ҳар бир мулкка ўтганда ўша исм унга ато этилади. Буларнинг барчаси исмлардаги бор улушини олаётган қалбнинг ваҳдония, фардония мулкига етиб олиши учундир. Бундай валий Аллоҳ берган саодат улушига эга ва валийлар саййиди ҳисобланади, у Роббисидан валийлик (хотами) хотимасига эришади. Агар исмлар ниҳоясига етса, у қаерга боради? У сифатлари олиб ташланган ботинлик сари йўл олади»⁹⁷.

Ҳаким Термизийдан набийлар хусусида, шунингдек, улар ўз мақомларини қандай билиб олишлари ҳақида сўралганда: «Агар бирор ким «Набийлар ўз мақомларини нубувватдан билганлар» деса, сен «Валийликдан билганлар» дегин. Нубувват эса албатта далил (бурҳон) билан бирга бўлади. Валийлик эса бурҳон (далил)дир», – деб жавоб беради⁹⁸.

Ушбу асарда «**хотам ал-авлиё**» хусусида куйидаги фикрларни келтиради: «Муҳаммад (с.а.в) тўғрилиқ оёғини бошқа пайғамбарларга нисбатан олдинроқ ташлаган. У ҳамма пайғамбарларнинг хотамидир. Унинг вафотидан сўнг, умматидан қирқ киши унинг ўрнига ўтади, шунда арз (ер) улар билан қоим бўлади. Улар расулнинг аҳли байтларидир. Насаб жиҳатдан эмас, зикр жиҳатдан унинг хонадонидирлар. Бу қирқ кишидан бири вафот этса, ўрнига умматдан бири ўрнини босади. Буларнинг саноғи тугаб,

⁹⁷ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 335.

⁹⁸ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 335.

дунёнинг заволи вақти келгач, Аллоҳ бир валий юборади. Уни саралаб, ўзига яқин қилган бўлади. Авлиёга берганини унга ҳам берган бўлади. Унга «хатм ал-валоя» (валоят муҳри) ҳам бергандир. Бу валий қиёматгача бошқа валийларга Аллоҳнинг ҳужжати бўлади. Муҳаммад (с.а.в)нинг нубувват сидқи бўлганидек, унинг ҳам валоят сидқи бордир. Унга шайтон илаша олмас, нафс уни валоятдан чалғитиб, завқ-сафога етаклай олмас. Муҳаммад (с.а.в) барча пайғамбарларнинг саййиди бўлганидек, хотам ал-авлиё ҳам авлиёларнинг саййиди ва ҳар хусусда уларнинг пешқадами яъни хотамидир»⁹⁹.

Ҳаким Термизийнинг фикрича, набийларни Аллоҳ танлайди, валийларга эса жазба¹⁰⁰ ато этади. Шунингдек, набий ва валий орасидаги фарқни ҳам алоҳида таъкидлаб: «Мажзубларнинг даражалари (манзиллари) бор, улардан баъзилари набийликнинг учдан бирига эгадирлар, баъзилари унинг ярми даражасига эгадирлар, баъзилари эса, ярмидан ортиқроқ даражада бўладилар. Шу тариқа маънавий ривожланиб бориб, вазият шу етадики, бир мажзуб пайдо бўлур. Унинг набийликка қиёс этгулик даражаси (хатм) қолган барча мажзублардан ортиқроқдир ва худди Муҳаммад (с.а.в) анбиёларнинг хотами бўлгани каби у ҳам «хотам ал-авлиё» яъни барча авлиёларнинг улуғи бўлур...»¹⁰¹.

Ҳаким Термизий ўз асарларини нотўғри тушунилиши оқибатида «валийларни набийлардан устун қўйиш»дек жуда катта айблов билан расмий доираларнинг қаршилигига учраган¹⁰². Уни эътиқод ва ахлоқ асосларига қарши боришда ҳам айблашган¹⁰³. Суламий (в. 1021 й.) : «Улар **«Хатм ал-авлиё»** китобини ёзгани сабабли уни динсизликда айбладилар», - дейди¹⁰⁴. Айниқса, унинг «Хотам ал-анбиё» бўлганидек, «Хотам ал-авлиё» ҳам бор,

⁹⁹ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 344.

¹⁰⁰ Жазба – (тортиш) Ҳакимнинг бандаларига ва бандаларнинг Ҳаққа интилиши бўлиб, иродани Аллоҳга боғлайдиган дард.

¹⁰¹ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 418.

¹⁰² Усманов И. Диссертация. - Б. 53.

¹⁰³ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. - М.: Диля, 2004. – С. 119.

¹⁰⁴ Тожиддин Субкий. Аш-шофъиййа ал-кубро. 6 томлик / Мустафо Аҳмад Ато нашрга тайёрлаган. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1999. Т. I. – Б. 448.

деган фикри шариат аҳлига ёқмаган¹⁰⁵. Шунингдек, «Набийлар ва шаҳидлар авлиёларга ҳавас қиладилар», мазмунидаги ҳадиснинг Ҳаким Термизий томонидан қилинган талқини ҳам шунга сабаб бўлган, дейдилар¹⁰⁶. Лекин Ҳаким Термизий бу асарида: «Хотам ал-авлиё Муҳаммад (с.а.в) бошқа пайғамбарларни шафоат қилгани каби у ҳам бошқа валийларни шафоат қилиш ҳуқуқига эга»¹⁰⁷. «Ўша пайтда валийлар унинг орқасида, набийлар эса олдида бўладилар»¹⁰⁸ ва «Набийлардан бўлмаган кишининг набийлардан афзал бўлиши мумкинми?», - дейилган саволга «Набийнинг пайғамбарлиги ва мақоми туфайли ҳеч бир шахс ҳеч бир набийдан устун бўлолмайди»¹⁰⁹, - деб жавоб беришининг ўзи ҳам бу фикрнинг қанчалик асоссиз эканлигини исботлайди. Бундай фикрларни алломанинг бошқа асарларида ҳам кўплаб учратамиз. Жумладан, «Наводир ал-усул» асарининг 229-бобида: «Адн жаннати – анбиёлар жойи, Фирдавс жаннати авлиёлар жойи. Анбиёлар авлиёлардан юқорида жойлашадилар, чунки набийлик даражаси валийликдан юқоридир»¹¹⁰, - деб айтиб ўтган. Шунингдек, Суламий уламоларнинг Ҳаким Термизийнинг фикрларини тушунмаганликларини, яъни унинг валийликни набийликдан устун қўйишни назарда тутмаганлиги, балки валийлик тушунчасининг маъноси кенгроқ эканини таъкидлаганини эътироф этган¹¹¹.

Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидаги дастлабки қарашлари «Илм ал-авлиё» асарида келтирилган бўлса, алломанинг «Хатм ал-авлиё» номи билан машҳур «Сират ал-авлиё» асари тасаввуф тарихида «валоят-валийлик» мавзусини илк маротаба муайян бир тизим асосида таҳлилига бағишланган, дейиш мумкин. Шунингдек, Ҳужвирий ўзининг «Кашф ал-маҳжуб» асарида бу назария асосида «**ал-ҳакимия**» мактабига асос солинган, деб айтиб ўтади¹¹².

¹⁰⁵ Кныш А.Д. Ат-Термизий // Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 237.

¹⁰⁶ Фаридиддин Аттор. Тазкират ал-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: ЎзМЭ, 1997. – Б.115.

¹⁰⁷ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 421.

¹⁰⁸ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 344.

¹⁰⁹ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 394.

¹¹⁰ Усманов И. Диссертация. – Б. 34.

¹¹¹ Усмон Яҳё. Ҳаким Термизий «Хатм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Б. 96.

¹¹² Уватов У. Икки буюк донишманд, - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 63.

Ҳаким Термизий яшаган даврда валийлик ва валоят масаласи долзарблик касб этиб, тасаввуфда марказий ўринлардан бирини эгаллай бошлаган¹¹³. Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асари ўз даври замон талаби, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда яратилган асардир. Чунки Ҳаким Термизий ўз асарини ёзаётган вақтда машҳур суфий Абу Бакр Харроз (ваф. 899 й.) ҳам «Китаб ас-сидқ» асарида «валоят» масаласини кўтариб чиққан, шунингдек, Саҳл Тустарий (ваф. 896 й.) ҳам ўз издошлари билан «валоят» мавзусини худди шу даврда муҳокама қилган¹¹⁴.

Демак, Валоят (валийлик) мавзуси IX аср охирлари X аср бошларида ислом илмларида долзарб мавзулардан бирига айланган. Зеро, бу даврда ислом илмларининг турли соҳаларида ижод қилган деярли барча алломаларнинг асарларида, у ёки бу даражада мазкур мавзу четлаб ўтилмаган. Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ Тустарий, Абу Саид Харроз каби суфий олимлар қарашларида кўзга ташланган ва ислом илмларининг таркибий қисмига айланган бу тушунчани Ҳаким Термизий ривожлантириб, уни чўққисига олиб чиқди.

¹¹³ Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – С. 51.

¹¹⁴ Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003. - № 4. – Б. 185.

II БОБ. ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ «ВАЛОЯТ НАЗАРИЯСИ»-НИНГ ТАСАВВУФДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. Ҳаким Термизий «валоят назарияси»нинг бошқа олимлар ижодига таъсири

Кейинчалик, Ҳаким Термизийнинг «хотам ал-авлиё» ҳақидаги таълимоти олимларнинг долзарб мавзуларидан бирига айланди ва бутун Хуросон, айниқса, Термиз ва Балхда кенг тарқалди. Ўрта аср суфий олимларининг ҳам кўпчилиги бу таълимотни қўллаб-қувватлаганлар. Жумладан, Имом Ғаззолий, Шихобуддин Сухравардий, Суютий, Бидлисий ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф ва тариқат аҳллари алломанинг таълимотларидан таъсирланганлар¹¹⁵.

Ана шулардан бири форс тилидаги тасаввуфга оид илк асар муаллифи **Али ибн Усмон Жуллабий Хужвирӣ** (ваф. тах. 1076 й.) бўлиб, у ўзининг машҳур «Кашф ал-маҳжуб» асарида Ҳаким Термизий таълимотини қўллаб-қувватлаб, унинг валийлик ҳақидаги қарашларини қуйидагича изоҳлайди: «Тасаввуф ва маърифатнинг асоси валийликка таянади. Кўрамизки, Аллоҳ таоло Ўзи учун валийларни танлаб олиб, уларни Ўз суҳбати билан баҳраманд этган ва Ўз мулкига ҳоким қилди. Валийларни турли кароматлар билан сийлади ва таъманинг фасодларидан, нафс ва ҳавонинг васвасаларидан пок қилди. Фикрларини Аллоҳ ҳақида ўйлаш билан банд қилди. Маърифатларини Ўзи билан жам қилди. Валийлар аввал ҳам бўлганлар, ҳозирда ҳам мавжуд, Худо хоҳласа қиёматгача бўладилар. Аллоҳ уларни бошқалардан афзал кўрди ва Муҳаммад (с.а.в) динларини ҳимоя қилишни ваъда қилди. Бу дин учун уламолар наздида нақл ва ақл ҳужжат бўлди. Кўриш ва эшитиш эса авлиёлар наздида далилдир. Бу борада мўътазилийлар ва ҳашавийлар бизга қарши бўлганлар. Мўътазилийлар муслим муслимдан устун бўлади, аммо валий

¹¹⁵ Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003. - № 4. – Б. 185.

валийдан, набийлар эса бир-бирларидан афзал бўлмайдилар, - дейдилар. Бу куфрдир! Ҳашавийлар бу борада худди мўътазилийлар каби фикрдалар. Улар ҳам буни инкор қилганлар¹¹⁶. Авлиёлар бу оламнинг ҳокимларидир. Аллох уларни бу ишга тайинлаган. Уларни нафсларига эргашмайдиган қилди. Уларнинг ҳалоллиги баракотидан осмондан ёмғир ёғади, покиза ҳаётлари туфайли ердан экинлар унади. Уларнинг дуолари боис мусулмонлар кофирларни енгиб келмоқдалар¹¹⁷. Валийлар гуноҳдан пок эмаслар. Бу фақат набийларга хосдир. Лекин валийликлари боис фитнадан ҳимоя қилинганлар. Билгилки, суфий шайхлар: «Халқ олдида доимо авлиёлар ҳамма вақт пайғамбарлардан пастроқ даражададир», – дейдилар. Пайғамбарлар авлиёлардан афзалдирлар. Чунки валийликнинг энг чўққиси набийликнинг бошланишидир. Баъзи набийлар валийлардир. Лекин ҳамма валийлар ҳам набий эмасдир. Валийларнинг айрим вақт ва ҳолатлари набийлар ҳузуридаги мақомдир. Бу мақом нима? Бу сир. Бу суннат ва мутасаввифларнинг усулидир¹¹⁸». Ҳужвирий Ҳаким Термизийнинг сўзларини давом эттириб, валоятнинг сири пайғамбарликдан афзалдир, деб эътироф этади¹¹⁹.

Ислом оламида «Ҳужжатул ислом» номи билан машҳур бўлган имом Ғаззолий (ваф. 1111 й.) ўзининг «Иҳёи улум-ад-дин» асарида юқоридаги мавзу хусусида алоҳида тўхталади. Асарнинг тўртинчи қисми «Мунжиёт»да алоҳида «Ишқ ҳақида китоб» бўлиб, унда бу инсоний туйғу кимга йўналтирилганига кўра таснифланиб, унинг беш тури саналади:

1. Инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати.
2. Унинг ўз ҳомийлари, унга меҳр-шафқат кўрсатувчиларга муҳаббати.
3. Унинг умуман инсонларга яхшилик қилувчиларга муҳаббати.
4. Инсоннинг барча ички ва ташқи гўзаллик эгаларига муҳаббати,
5. Моҳият жиҳатдан ўзига ўхшаган зотга муҳаббати¹²⁰.

¹¹⁶ Усмон Яҳё. Ҳаким Термизий «Хатм ал-авлиё» асарининг нашрига илова қилган. – Б. 463-464.

¹¹⁷ Субхан Ж.А. Суфизм. Его святыи и святыни. – М.: Диля, 2004. – С. 74 -75.

¹¹⁸ Ҳаким Термизий. Хатм ал-авлиё. – Б. 463-464

¹¹⁹ Қаранг: Исақова З. Диссертация. – Б. 27.

¹²⁰ Абу Хамид ал-Ғазали. Воскрешение наук о вере. – М.: Наука, 1980. – С. 238.

Аммо, ушбу барча муҳаббат турлари Ғаззолийнинг кейинги мантикий таҳлили натижасида инсоннинг бутун борлиқ ва мавжудотларнинг яратувчиси Аллоҳга бўлган муҳаббатида ягона олий туйғуга айланади. Алломанинг бу ҳақидаги исбот ва далиллари ёрқин бўлганлигидан тушунарли ва ишонарли чиққан, унинг таъсир кучи ҳам бекиёсдир. Ғаззолийнинг талқини ва ифода усули мавҳум фалсафий таҳлиллардан фарқли ўлароқ, оммабоп ва ҳаётга яқинлаштирилгани ҳам бунга сабаб бўлган бўлса керак. Шундай қилиб, Ғаззолий тафаккур тарзида биринчидан, мулоҳазаларини оддий инсонларга тушунарли тарзда баён қилишга муваффақ бўлди, иккинчидан, маърифатчиликка маълум даражада яқин ясаб, бу босқич алломалари эришган ютуқларни умумлаштирди ва оммалаштирди. Учинчидан, тавҳид моҳиятини англаб етмоқ учун ақл ва мантиқнинг ўзи кифоя қилмаслигини тан олиб, қатъиян тасаввуф ирфони қадриятлари ҳимоясига ўтди. Аллома шулар асосида ислом оламида **тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи** сари юксалишига фикрий муҳит ҳозирлади. Ғаззолийдан кейин тасаввуф тариқатларининг кенг миқёсда шаклланишга ўтиши *тавҳид* таълимотини англаб етишнинг янги босқичи минтақада ғалаба қилганини англатар эди¹²¹.

Ҳаким Термизийнинг «валоят назарияси»дан энг кўп таъсирланган ва ўз асарларида бу мавзуга алоҳида тўхталган олимлардан бири ибн Арабий¹²²дир. Ибн Арабийнинг «валийлик»ка оид қарашларида Ҳаким Термизийнинг таъсири яққол сезилади. Ибн Арабий китобларида Ҳаким Термизий асарларидан кўплаб йирик лавҳаларни иқтибос қилиб келтирганлиги бунинг ёрқин далилидир¹²³. Шунингдек, ибн Арабий «хотам ал-авлиё» хусусида қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтиради: *«Аввалги пайгамбарларга нисбатан менинг аҳволим шунга ўхшайди: Одам (а.с) бир*

¹²¹ Ғаззолий қарашларининг ислом оламида, хусусан тасаввуф таълимотининг ривожланишида катта бурилиш нуқтаси бўлгани жаҳон тадқиқотчиларининг ишларида ҳам алоҳида қайд этилади. Масалан: Г. Э. Фон Грюнебаум. Классический ислам. – М.: 1988. – С. 146-147; Дж.С. Тримингэм. Суфийские ордена в исламе. – М.: 1989. – С. 21; Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 229

¹²² Ибн Арабий ҳақида шу бобнинг 2-бандида тўлиқроқ маълумот берилди.

¹²³ Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003. - № 4. – Б. 183.

бино қурибди. Чеккасида бир тош сизадиган даражада тош қолдириб, бинони тамом қуриб битирибди. Уйни ташиқаридан томоша қилганлар «кошки шу ерга гишт қўйилса эди» дебдилар. Ўша гишт менман. Мен хотамун набийийинман». Ибн Арабий туш (рўё) орқали бу бўшлиқни, бири олтин, бири кумуш икки ғиштлик жой сифатида кўрган. Кумуш ғиштнинг хотамул авлиёнинг зоҳирий жиҳатига, олтин ғиштни эса унинг ботиний жиҳатига ишора этишини айтгач, бундай деган: «Хотамул авлиё илму маърифатини шундай бир манбадан оладики, пайғамбарга ваҳий келтирган малак ҳам ўша нарсдан олади». Ибн Арабий «валий набийдан устундир», деган фикрни ўртага ташлаб, уни «Фусус ал-хикам» асарида: «Бир киши «валоят нубувватдан устун» деганини ёки ундан шундай ривоят нақл этилганини эшитсанг, билгингки, у фақатгина биз айтган ҳақиқатни назарда тутиб айтгандир. Ҳатто улардан бирининг «валий – набий ва расулдан устундир» деган гапини эшитсанг, у бу сўзи билан бир шахсни кўзда тутгандир. Чунки у шахснинг набий ва расуллик мақомидан валий мақоми янада мукамалдир. Аксинча, набийга боғлиқ бўлган валий ҳеч вақт набийдан устун эмас. Зеро, тобе бўлган киши тобе бўлган нарсасида асло ўзи тобе бўлганини ўтиб кета олмайди. Агар тобе бўлган шахс тобе бўлганидан ўтиб кетса эди, тобе бўлмасди. Бунини яхшилаб тушуниб ет!»¹²⁴, - деб фикрларини изоҳлайди.

Шу билан бир қаторда унинг «хотам ал-авлиё» борасидаги қарашларига кескин қарши чиққанлар ҳам бўлди. Ана шундайлардан бири Ибн Таймия (ваф.1328 й.)дир. У ҳанбалийлик мазҳабига мансуб фақиҳ ва илоҳиётчи олим бўлган. Ибн Таймия Аллоҳ валийларининг афзали ҳақида шундай дейди: «Аллоҳ валийларининг афзали Унинг набийларидир. Набийларининг афзали расулларидир. Расулларининг афзали улул азм, яъни азму матонат соҳиби бўлган Пайғамбарлар: Нух (а.с), Иброҳим (а.с), Мусо (а.с.), Исо (а.с) ва Муҳаммад (с.а.в)лардир. Улул азмнинг афзали Муҳаммад (с.а.в)дир»¹²⁵. Ибн

¹²⁴ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 134.

¹²⁵ Тақийуддин Аҳмад ибн Таймия Ҳарроний. Мажмуа ал-Фатава. Т. 6. – Ар-Риёд, Дорул Вафо, 1998. – Б. 92-93.

Таймий *хатм ал-авлиё* масаласига жуда кескин муносабат билдириб, бу ибора ботил бўлиб, бу иборани илк бор Ҳаким Термизий қўллаб, бу мавзуда асар ёзганини ва «хотам ал-авлиё» масаласини қўллаб-қувватлаганларнинг барчаси, шу жумладан Ибн Арабий ҳам ўзини «Хотам ал-авлиё» деб ҳисоблаганини айтиб ўтади¹²⁶. Ибн Таймий таълимоти унинг ҳаётлигида қозонмаган бўлсада, кейинчалик XVIII асрда *ваҳҳобийлик*нинг келиб чиқишига манба бўлди¹²⁷.

Ҳаким Термизий ўз замонасининг диний ва дунёвий илмларидан ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган олимлардан эди. Ҳаким Термизий «Ҳикмат – бу билим» деган ғояни жиддий ҳимоя қилган ҳамда сулукда илм мақомини олиши йўлида кўп жонбозликлар кўрсатган¹²⁸. Унинг мукаммал илми ва беқиёс салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Жумладан, буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида уни энг улуғ шайхлар қаторида зикр қилганлар ва мутасаввифларнинг иккинчи бўғинига киритганлар. Хусусан, Алишер Навоий ҳазратлари Ҳаким Термизий тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтирган: «Муҳаммад бин Али Ҳакими Термизий – иккинчи табақадиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳдир. Машойихи кибордандур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Ҳизравайҳ ва Ибни Жалла била суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи (ёзган асарлари) бор...»¹²⁹. Шунингдек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг «Биз йигирма икки йилдирким, Ҳаким Термизий тариқатига эргашамиз»¹³⁰ ва «Азиз авлиёларнинг пешвоси Хожа Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг руҳонийятига таважжужим тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади»¹³¹, - деб унинг руҳоний оламидаги юксак мартаба ва мақомларини алоҳида эътироф этганининг ўзи

¹²⁶ Такийуддин Аҳмад ибн Таймий Ҳарроний. Мажмуа ал-Фатава. Т.6. – Ар-Риёд, Дорул Вафо, 1998. – Б. 242.

¹²⁷ Ислом. Энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. - Б. 101.

¹²⁸ Муртазоев Б. Илм – ҳақиқат, ҳақиқат эса илмдир // Тафаккур, 2009. - № 1. – Б. 79.

¹²⁹ Уватов У. Икки буюк донишманд, - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 77.

¹³⁰ Мирзо Ж. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. – Т.: San'at jurnali, 2007. – Б. 4.

¹³¹ Уватов У. Икки буюк донишманд, - Т.: Шарқ, 2005. – Б. 77.

ҳам алломанинг тасаввуф илмида тутган ўрни қай даражада эканлигини кўрсатади.

2.2. Ибн Арабий ва унинг «комил инсон» назарияси

ХII асрда тасаввуф илми ўзининг тараққиёт чўққисига кўтарилди. **Ибн Арабий** томонидан яратилган «Футуҳот ал-Маккийя» ва «Фусус ал-ҳикам» асарларида кўтарилган ғоялар тасаввуфни ана шу йўналишда эришган ютуқларининг натижаси бўлди. Ибн Арабий номи билан машҳур Мухйиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Тоий (1165-1240) – диний файласуф, суфийликнинг кўзга кўринган вакили, тасаввуфда «*ваҳдат ал-вужуд*»¹³² таълимотининг асосчиси ҳисобланади. «Улуғ шайх» (муаллим), «Афлотун (Платон)нинг ўғли» номлари билан улуғланган¹³³. Ибн Арабий таълимоти тарихга «Ваҳдат ал-вужуд» номи билан кирган бўлса-да, ўзи уни бундай атамаган. Бу истелоҳ биринчи марта Ибн Таймия (в. 1328 й.) асарларида учрайди¹³⁴.

Тасаввуф таълимотидаги «комил инсон» («ал-Инсанул-комил») мавзуси илк бор Абдулкарим Жилийнинг «ал-Инсанул комил» асарида мукаммал шарҳланган. Жилийнинг фикрича, комил инсон – бутун борлиқнинг атрофида вужудга келган қутбдир¹³⁵. Дунё яратилгандан бери ҳар хил пайғамбарлар шаклида кўринган ҳам комил инсондир. Қиёматга қадар энг улуғ валий (қутб) ҳам удир. Жилийнинг бу изоҳидан «инсони комил» – «Ҳақиқати Муҳаммадия» билан бир экани келиб чиқмоқда¹³⁶. Мавжудотлар яратилгандан бошлаб инсони комил ёлғиздир ва ёлғизлигича қолади. Инсони комилнинг ўзига хос бир ҳақиқати бордир. Шу билан бирга ҳар вақт, турли кўринишларда, турли номлар билан кўриниш беради. Асл номи

¹³² Абадий ягона Аллоҳгина бор, деб ҳисобловчи таълимот. Суфийлар бу тушунчага «тавҳиднинг энг сўнг эришиладиган ва энг мукаммал ҳолидир», деб таъриф берадилар.

¹³³ Ислом. Энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 98.

¹³⁴ Сирожиддинов Ш. Ислом фалсафасига кириш: Калом илми. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008. – Б. 94.

¹³⁵ Оташ Сулаймон. *İşârî tefsir Okulu*. – Истанбул: Yeni Ufuklar, 1998. – Б. 282.

¹³⁶ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 140.

Муҳаммаддир. Куняси Абул Қосим, сифати Абдуллоҳдир. Ҳар замон инсонларнинг энг комили суратига кириб, уларнинг шонини юксалтиради. Суратига кирган кишилар зоҳиран унинг халифалари, ботинан эса У, уларнинг ҳақиқатидир¹³⁷. Бу таносух эмас. Руҳан энг етук даражага етган кишининг энг буюк комилликда фоний бўлиши билан бирга Пайғамбар (с.а.в)нинг ўзида тажаллий этишидир. *Фано фир-расул* дейилган. Бу ҳам бир карашда *фано филлаҳи* демакдир. Бу инсон зоҳиран Аҳмад, Ҳасан каби кўринади, аммо ҳақиқатда Муҳаммад (с.а.в)дир, бошқалари эса унинг кўринишидир.

Инсони комил Аллоҳнинг барча исм ва сифатларига сазовордир. Инсони комил шундай Ҳақнинг ойнасидир. Аллоҳ барча исм ва сифатларини ёлғиз инсони комилда кўради. Бунинг учун: **«Биз омонатни осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у ўзига зулм қилувчи ва нодондир»**¹³⁸, деб буюрилган. Яъни нафси устун келиб, ўзига зулм қилган. Ўзини Аллоҳга омонат эканини билган ҳолда қадрини билмаган.

Инсони комил ҳар томонлама Аллоҳнинг худди шундай бир назариясига кўра, комил инсоннинг вужудида ҳар нарса дунёдаги бир борлиққа таққосланади: «Дунёда нима бўлса, инсонда ҳам шу нарса мавжуд. Мавжудотнинг асоси инсони комилдир: Инсони комилнинг латофати улвий мавжудотларга, касофати сулфий мавжудотларга, қалби эса Аршга тегишлидир. Чунки, Расулуллоҳ (с.а.в): *«Мўминнинг қалби Аллоҳнинг аришидир»*, – деганлар. Нияти билан Курсига, мақомида Сидратул Мунтаҳога, ақлида буюк каломга, моҳиятан Лавҳул Маҳфузга, табиатан унсурларга, қобилиятида тасаввуфга, рўъятида харита оламига, идрокида юлдузлар оламга, ваҳмида олтинчи қават осмонга, аҳамиятида бешинчи қават осмонга, фаҳмида тўртинчи осмонга, хаёлида учинчи осмонга, фикрида иккинчи

¹³⁷ Оташ Сулаймон. *İşârî tefsîr Okulu*. – Истанбул.: Yeni Ufuklar, 1998. – Б. 282.

¹³⁸ Аҳзоб сураси 72-оят.

осмонга, ҳофизаси билан биринчи осмонга ўхшайди. Таъсир кучи билан Зухола, қувватида Муштарийга, ҳаракат кучи билан Миррихга, қараш қувватида кўёшга, таъм сезишда Зухрога, ҳид сезишда Уторидга, эшитишда Ойга, ҳароратида оташга, хотиралари билан фаришталарга, васвасасида жин ва шайтонларга, шунингдек, ҳайвоний ҳисларида ҳайвонларга: уруш қувватида арслонга, ҳийлада тулкига, ёлғончиликда чиябўрига, ҳасадда маймунга, хирсда сичқонга таққосланади. Рухонияти билан қушга, сариғлигида оловга, қон моддаси билан шамолга, қора ранги билан тупроққа, тери-томирлари, кўз ёши ва бошқа фаразлари билан еттинчи денгизга, зоти билан жавҳарга, сифати билан ерга, тишлари билан жонсиз моддаларга, қили ва тирноғи билан ўсимликка, шаҳвати билан ҳайвонга, башарий кўриниши билан инсонларга таққосланади. Инсони комил инсоний хусусиятларни ўзида жам қилади: руҳи билан қиролга, фикри билан вазирга, илми ва раъйи билан қозига, яқийниси билан мўминларга, шубҳаси билан мушрикларга таққосланади. Ҳосили бор ҳар бир нарса инсони комилда мавжуддир»¹³⁹.

Тасаввуф таълимотидаги «комил инсон» концепциясининг тизимли тарзда юзага келиши бевосита Ибн Арабий номи билан боғлиқ ҳисобланади. Ҳар ҳолда, кейинги давр мутасаввифлари орасида бу мавзуга мурожаат қилгани борки, аксари Ибн Арабий ғояларидан таъсирлангани қайд этилган. «Комил инсон» Ибн Арабий томонидан асос солинган «Ваҳдату-л-вужуд» таълимотлар тизимининг таркибий қисми ҳисоблангани ҳолда, анчайин мураккаб ва ўзига хос талқинга ҳам эгадир.

Ибн Арабий ўзининг «ал-Футуҳот ал-Маккийя» асарида айтадики: «*ал-Инсану-л-камил*» бу – яратилишнинг сабабидир... У Аллоҳ учун оламнинг асл, том маънодаги мақсад-моҳиятидир... у (жисмга) шаклга кирди... ёки Жунайд айтганидек: «Сувнинг ранги – унинг идиши рангидир»... Ҳақ Абу Язидга: «Яратганларим (خلقي) олдида Менинг сифатимда чиқгин, ким сени кўрса, Мени кўрди – деди»... «*ал-Инсану-л-камил*»дан мақсад Муҳаммад (с.а.в) ва оламнинг муддаоси бўлган ушбу камолот даражасидан тушган

¹³⁹ Оташ Сулаймон. *İşârî tefsîr Okulu*. – Истанбул.: Yeni Ufuklar, 1998. – Б. 283-284.

комил инсонлар мартабасидир. Уларнинг вужуди билан «хилофат» ва «вужуд» маънолари рўёбга чиққан комил пайғамбарлар ва валийлар сингари, улар «вужуд»нинг сири ва сабабидирлар»¹⁴⁰.

Тасаввуфдаги энг муҳим масалалардан бири инсон мавзусидир. Тасаввуфнинг мақсади эса инсон руҳидаги маънавий камолотни юксалтиришдир. Мутасаввифлар фикрича, *«Яширин хазина эдим, Мени билиб-танишларини истадим. Мени таниб билишлари учун махлуқотни яратдим»*, қудсий ҳадисида айтилганидек, борлиқлар олами Аллоҳни билиши учун яратилган. Турли мартабалардан ўтиб пайдо бўлган оламнинг яратилиши инсоннинг яратилиши билан ниҳоясига етди. Борлиқлар орасида Аллоҳни идрок этиш ҳам фақат инсонларга берилган. Аммо инсоннинг бу қобилияти турли пардалар билан тўсиб қўйилган бўлиб, инсон дунёда қилган ибодати, зикри ва солиҳ амаллари билан руҳини моддий оламнинг таъсиридан ва ҳасадидан қутқариб, пардалар очилиб боравериби, бу қобилиятини юзага чиқаради.

¹⁴⁰ Закий Солим. Ал-Иттижаҳ ан-нақдий инда ибн Арабий. – Қоҳира.: Ал-Мактабат ас-сақофат ад-динийя, 2005. – С. 208-209.

III БОБ. АВЛИЁЛАР КУЛЬТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

3.1. Исломда «авлиёлар култи»нинг шаклланиши

Исломда авлиёлар култи аввалига дин арбоблари – мужтахид ва фақиҳлар томонидан тан олинмаган ва қонунийлаштирилмаган, халқ ишонган диний ғоя-қарашлар йиғиндиси сифатида шаклланади. Энг аввало, Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳақиқий култи шаклланди. Унга бошқа пайғамбар (а.с)лар, Муҳаммад (с.а.в)нинг яқин қариндошлари, айниқса, Али (р.а), Фотима (р.а), Хусайн (р.а) ва бошқа саҳобалар, тобеъийлар, мазҳаб асосчилари бўлмиш имомлар (масалан, имом Абу Ҳанифа) ва бошқа эътироф этилган илоҳиёт олимлари (мутакаллимлар) ва дин йўлидаги шаҳидларни эътироф этиш ва сиғиниш ҳам қўшилади. Шу билан бирга ислом томонидан келиб чиқиши кўп ҳолларда афсонавий бўлган, исломдан аввалги, турлича маҳаллий авлиёлар, қаҳрамонлар, ҳаттоки, мусулмон авлиёларига айлантирилган маҳаллий илоҳлар култи ҳам қоришиб кетади. Қадимги ривоят ва културлар борасида диний ғоя-қарашларнинг янгича доирасида қайтадан фикр юритишдан иборат бўлган ушбу ҳодиса исломда кенг тарқалади¹⁴¹. Шунингдек, авлиёлар култи билан ёнма-ён тарзда улардан қолган ёдгорликларга иззат-икром билан муносабатда бўлиш ҳам оммалашиб борди. Ислом динидаги ушбу ҳолат авлиёлар култини бошқа ривожланган кўринишлари каби оммавийлик даражасига етиб бормаган бўлсада, лекин мусулмонларнинг халқ иймонида турли-туман шаклларда намоён бўла бошлади¹⁴². Исломда деярли ҳамма вақт валийлар, шунингдек, муқаддас объектларга иззат-икром кўрсатиш амалда бўлган. Бошқа монотеистик динларга ҳам хос бўлган ушбу қонунийликнинг вужудга келиш сабаби, бир томондан уларнинг анча кейинги даврларда шаклланиб, қўшни динларнинг

¹⁴¹ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 235.

¹⁴² Гольдциер И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – Б. 86.

асари ва эскиларининг элементларини ўзида сақлаган ҳолда уларнинг доимий таъсирида бўлгани бўлса, иккинчидан улар эски худолар культининг валийлар култи воситасида сиқиб чиқариши мумкинлигида бўлган. Бу исломда валийлар культининг мавжудлиги – яъни уларга иззат-икром кўрсатиш билан тасдиқланади¹⁴³.

Юқорида айтилганидек, дастлаб фақиҳлар халқ оммасидаги диндорларда мавжуд бўлган авлиёлар култи, уларни дуо, намозларда зикр этиш ва улар яратган мўъжизаларга ишончни асло тан олмас эди. Айрим фақиҳлар, айниқса, ақлни нақлдан устун қўйувчи мўътазилийлар бундай мўъжизаларга сеҳр-жоду сифатида қарар эдилар¹⁴⁴. Аммо, X–XIII асрларда мотуридия ва ашъария таълимоти вакиллари авлиёларни эъзозлаб, эътироф этишни қонуний эканини тан оладилар. Буни айниқса суфийлар қатъий ҳимоя қилардилар. Имом Ҳарамайни Жувайний (ваф. 1085 й.), Имом Ғаззолий (ваф. 1111 й.) «Ихёи улум ад-дин» асарида, Фаҳриддин Розий (ваф. 1164 й.) ўзининг Қуръонга ёзган тафсирида авлиёларга ва уларнинг мўъжизаларига ишонишни ақидавий томондан исботлашга уринар эдилар. Мутакаллим ва суфийларнинг ушбу қарашлари ҳам сунний, ҳам шиа мутакаллим ва фақиҳлари томонидан тан олинади. Фақат ҳар қандай янгиликдан қўрқувчи, фикрлаш доираси тор, айрим кам сонли ва таъсир доираси кенг бўлмаган ҳанбалийларгина (Ибн Таймия) авлиёлар култи ва уларнинг зиёратига қарши чиқардилар¹⁴⁵.

Ислом дини тарқалиши натижасида янги мусулмон оламининг ғарбий қисмларида эски культ ерларининг исломлаштируви ва персонификацияси (бирор-бир шаклга нисбат) бошланган эди. Шунингдек, айрим ҳолларда қадимги диний ривоятлар, урф-одатлар ислом билан алоқаси йўқ ҳолда

¹⁴³ Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана: Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Т.: "Фан" Уз ССР, 1966. – Б. 9.

¹⁴⁴ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 235.

¹⁴⁵ Тўлиқ маълумот учун қаранг: Гольдциэр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – Б. .

мавжуд бўлаверган¹⁴⁶. Қадимги культлар ислом кириб келиши билан буткул йўқ бўлиб кетмаган, балки исломий қарашлар билан қоришган ҳолда (синкретик) тарзда ёки уйғунлашган ҳолда сақланиб қолган¹⁴⁷. Номсиз авлиёларнинг амалда зардуштий илоҳлари ёки исломдан аввалги қаҳрамонларнинг қадимги култи жойлари бўлиб чиққан Эрон ва Марказий Осиёдаги қабрлари шулар жумласига киради. Қадимги деҳқончилик, ўсимлик култи изининг худди шу характери муқаддас дарахт ва чашмаларга сиғинишда кузатиш мумкин. Исломнинг илк давларида мусулмон олимлари бу культ билан кўпинча курашар эдилар. Қазвин масжидларидан бирининг ҳовлисида «муқаддас дарахт» ўсар эди. Халифа Мутаваккил даврида (847–861 йиллар) дарахт кесиб юборилади. Аммо унинг ўсган жойига эҳтиром сақланиб қолиб, бунинг сабаби «бу ерда бир авлиё дафн этилган» дея тушунтирила бошланади. X–XI асрларда муқаддас дарахтлар ва чашмалар култи авлиёлар култи каби ислом билан чамбарчас боғланиб кетади. Сабаби Эронда «муқаддас» чашмалар каби эътироф этиладиган, тилак билдирилган, мато парчалари боғланган «муқаддас дарахтлар»ни кўплаб учратиш мумкин. Улар ёнига дуо ўқиб, илтижо қилгани борилади. Ушбу «муқаддас» ҳисобланган, аслида бу ҳудудларга ислом тарқалишидан аввал ҳам мавжуд бўлган «муқаддас» объектларни исломга алоқаси борлигига шубҳа қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган¹⁴⁸.

Хусусан, Марказий Осиёда ҳам «муқаддас чашма» деб эътироф этиладиган Бухородаги Чашмаи Айюб мазорининг жойлашуви Мовароуннаҳр ва мусулмон оламининг бошқа нуқталаридаги шу ном билан аталувчи муқаддас қадамжолар каби, албатта бирон-бир кўҳна, табиий сув манбаи билан боғлиқ бўлган. Бундай қадамжонинг исломлашуви умуман олганда «ҳеч қандай муаммога» дуч келмай «қонуний» – Қуръонда тилга олинган, чашма юборилган пайғамбар Айюб (а.с) қиссаси орқали амалга

¹⁴⁶ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 239.

¹⁴⁷ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 129.

¹⁴⁸ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 239.

оширилади. Бу ерда ҳам бир қанча ихтилофлар бўлиб ўтган. Масалан, илк мусулмон муаллифлари пайғамбар Айюб (а.с)нинг Дамашқ яқинидаги иккита қабрини қайд этишган¹⁴⁹.

Нафақат авлиёлардан қолган асар – ёдгорликлар, балки мақбаралар орасида ҳам сохталиги кўриниб турганлари ҳам кам эмас¹⁵⁰. Бундай муқаддас деб ҳисобланадиган қадамжода баъзан умуман авлиёнинг хоки бўлмаган, балки шунчаки унга бағишланган жой ҳам бўлиши мумкин¹⁵¹. Шунингдек, биринчи бор XII асрда Балх шаҳри яқинида «Бу қабр Аллоҳнинг арслони, тўртинчи халифа ва шиаларнинг биринчи имоми Алининг қабри» ёзувли қабр топилади. Муғуллар уни вайрон қилгач, қабр унутилади. Аммо, 1480–1481 йилларда «Али қабри» яна кашф қилинади. Унга эҳтиром билдиргани амир ва яқинлари билан темурий султон Ҳусайн Бойқаро ташриф буюради. Қабр ҳақиқий деб тан олиниб, устига мақбарали масжид бунёд этилади. Тўрт аср ичида зиёратчилар ҳисобига шу даражада бойиб кетадики, бу ерда катта Мозори-Шариф шаҳри вужудга келади. Диндорларнинг халифа Али (р.а)нинг ҳеч қачон Балхда бўлмагани ҳам, азалдан бор бўлган ва машҳур зиёратгоҳ сифатида эътироф этилган худди шу халифа Али (р.а)нинг Нажафдаги яна бир мақбарасининг мавжудлиги асло ўйлантирмайди. Шу тариқа халифа Али (р.а)нинг иккита қабри пайдо бўлади¹⁵².

Марказий Осиёда IX – XV асрдан бошлаб авлиёларга эҳтиром, уларнинг қабрларига топиниш намоён бўла бошлади. Бу амалиёт Марказий Осиёдаги диний ҳаётнинг ажралмас қисмини ташкил этарди. Исломда авлиёлар культининг қонунийлашуви ва кенг тадбиқ этилишига суфийлар катта ҳисса қўшганлар. Энг машҳур суфийлар қабри устига кенг, чиройли мақбаралар барпо қилинди. Кўпчилик мусулмонлар ўз авлиёлари қиёфасида Аллоҳ ва

¹⁴⁹ Бабаджанов Б., Муминов А. Культ святых в Центральной Азии. Взаимовлияние «книжного» и «народного» в исламе / Мир ислама. – Казань.: Центр исламоведческих исследований при Институте истории Академии наук Татарстана, 1999. № 1/2. – Б. 65.

¹⁵⁰ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б.238.

¹⁵¹ Субхан ДЖ.А. Суфизм. Его святые и святыни. – Москва – Санкт-Петербург.: Диля, 2005. – Б. 77.

¹⁵² Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б.238 – 239.

инсонлар ўртасидаги воситачиларни кўради¹⁵³. Авлиёлар қабри ёки мақбаралари улар хотирасининг мангу сақланиш белгиси бўлган¹⁵⁴.

Ислонда авлиёлар култи уларнинг қабрларига эҳтиром кўрсатиш ва зиёрат қилиш билан узвий боғлиқ бўлган. Авлиёлар мақбараларига сафар махсус *зиёрат* атамаси билан ифодаланди. Зиёрат ўз навбатида мазорлар, муқаддас жойлар билан боғлиқ бўлади. Муқаддас жойлар, қадамжолар – диндорлар муқаддас деб ҳисоблайдиган ва сиғинадиган жойлардир. Булар пайғамбар, шайх, эшон, авлиёлар номи билан боғлиқ ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган шаҳар, мақбара, чашма, дарахт, тепалик, ғор ва бошқалардир. Авлиёлар қабрлари зиёратига ижмоъ билан фатво берилган бўлиб, бундай зиёрат учун махсус ишлаб чиқилган қоидалар мавжуд. Кейинчалик, айрим алоҳида эътироф этиладиган имомлар, шайхлар ва бошқа авлиёлар, масалан, имом Али (р.а)нинг Нажафдаги ёки имом Ҳусайн (р.а)нинг Карбалодаги мақбараларига зиёрат қилиш Маккага кичик ҳаж (умра) сафарига тенг бўлади, деган тушунча ҳам шаклланди¹⁵⁵.

Ҳар бир зиёратгоҳ атрофида ўзига хос қадимги ривоят ва афсоналар тўпланган бўлиб, улар ҳиссиётларга таъсир қилиш орқали зиёратчиларни юқори руҳият билан маросимларни адо этишга ундайди. Зиёрат учун келинадиган муқаддас жойлар турли динларга эътиқод қилувчи ҳамма халқларда кўпгина шаҳар ва мамлакатлар бор. Ўзбекистонда Имом Бухорий (Самарқанд вилояти), Баҳоуддин Нақшбанд (Бухоро вилояти), Занги ота (Тошкент вилояти), Шайх Хованд Тохур (Тошкент шаҳри), Термизий (Термиз шаҳри) дафн этилган жойлар ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Суннийларда Макка ва Мадина, шиаларда эса буларга қўшимча равишда юқорида айтилган Карбало ва Нажаф шаҳарлари ҳам муқаддас зиёратгоҳ шаҳарлари ҳисобланади. Ҳиндлар учун Ганга дарёси, яхудийлар, христианлар учун Қуддус шаҳри муқаддас саналади. Ибн Таймия

¹⁵³ Кириллина С.А. Культново-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – Б. 85.

¹⁵⁴ DeWeese D. Wali – En Asie Centrale / Encyclopedie De L'ISLAM. –Paris: LAROSE S.A., 1978. – P. 129.

¹⁵⁵ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 237.

зиёрат қилиш учун фақат Маккадаги муқаддас масжид, Мадинадаги пайғамбар масжиди ва Қуддусдаги Аксо масжидига сафарга чиқиш мумкинлиги таъкидлаб, Қуддусдаги Иброҳим пайғамбар қабри, Аллоҳ Мусо пайғамбар билан гаплашган Тур тоғи, Муҳаммад пайғамбарга илк оятлар нозил бўлган Маккадаги Ҳиро ғори, Қуръонда зикр этилган Савр тоғидаги ғор ва бошқа шу каби жойларга зиёрат қилиш учунгина сафарга отланиш маъсият иш эканига алоҳида урғу беради. Имом Ғаззолий эса қабрларни зиёрат қилиш учун сафарга чиқишга мумкин эканини айтган¹⁵⁶.

Қабристонлар ўзбек тилида «мозор», яъни «зиёрат қилинадиган жой» деб ҳам аталиб, аслида азиз-авлиёларнинг қабрини англатган бўлсада, кейинчалик бу сўз кенг маънони ифодалай бошлади. «Оч қолсанг бозорга, тўқ бўлсанг мозорга бор», «Авлиёлар худо эмас, лекин худодан жудо эмас» каби мақоллар билан одамлар кўпроқ зиёрат қилишга ундалган. Бу каби зиёратлар турли бало, офатлардан сақлаб, мушкулларни осон қилишига эътиқод қилинган. Асрлар давомида муқаддас жойларга қилинадиган зиёратлар турли асоссиз тафсилотлар билан бойитилиб, уни ўзига хос қамровли маросимга айланишига олиб келди. Қадамжоларга зиёрат омма орасида ўзига хос этикетни ҳам шакллантирган. Буларга амал қилмаслик эса «зиёратдан мурод ҳосил бўлмаслигига сабаб бўлади» деб ишонилган. Омма орасида зиёрат ҳақидаги қарашлар қуйидаги тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ Хизр, шаҳидлар, авлиёлар, мозорлар, зиёрат билан боғлиқ тушлар, тоғ ва ғорлар, зиёратгоҳдаги булоқ ва муқаддас ҳайвонлар, дарахт, муқаддас тош, мўйи муборак, муқаддас қадамжолардаги товушлар, зиёратгоҳдаги муқаддас буюмлар ва бошқа нарсалар.

Мусулмон мозорларининг архитектуравий шакллари (масжид, хонақоҳ, мақбара, қорихона ва ҳ.з.) XIV–X V асрлардан бошлаб композицион ва ташқи кўриниш жиҳатидан деярли бутунлай зиёрат маросимларини ўтказиш учун мослаштирилади. Бундай мақбаралар одатда суфий хутба ўқиган жойда,

¹⁵⁶ Усмонов И. Ўзбек урф-одатларининг диний манбалардаги асослари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2009. – № 4. – Б. 277.

яъни агар бўлса, хонақоҳ ва зовия ўрнида қуриларди¹⁵⁷. Суфийлик тарафдорлари ўз хонақоларида тариқат асосчисининг ўзларига мерос қолган кийими (айниқса хирқа), жойнамози ва бошқа кундалик буюмларини алоҳида эҳтиром билан сақлайдилар¹⁵⁸.

Ислом дини ақидасига кўра азиз авлиёларнинг мақбарасига зиёрат учун борилганда уларнинг руҳларидан мадад сўрашлик, ҳожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илтижолар ножоиздир. Чунки бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Зиёрат қилинувчилар пайғамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи бўладими улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Исломда шахсга сиғиниш ширк саналади. Муҳаммад (с.а.в) бир ҳадиси шарифларида айтганлар: «Қабристонларни зиёрат қилиб туринглар. Зеро, у охиратни эслатади». Охиратни эслаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради.

Мусулмон мазорларининг шаклланиш йўли турличадир. Айримлари археологик маълумотларга биноан, исломдан аввалги мазорлар ўрнига вужудга келган. Лекин, мусулмон оламида, хусусан Марказий Осиёдаги архитектура жиҳатдан энг йирик ва бой, деб ҳақли равишда таниқли суфийлар қабри атрофида шаклланганлари тан олинади. Тариқат асосчиси ҳисобланган шайхнинг вафотидан сўнг дафн этилган жой яна муайян вақтгача унинг ғоялари тарқалиш маркази бўлиб қолаверарди. XIII аср охиридан бошлаб шайх баракасининг меросхўри ва унинг ишининг давомчилари бўлиб, қоидага биноан унинг авлодлари қоладилар. Вақт ўтиши билан шайхнинг дафн жойи у ва унинг авлодлари қабрларига сиғиниш марказига айланади. Ҳаттоки, у ёки бу суфий аллақачон мавжуд бўлган қабристонга дафн этилган бўлса ҳам, айнан унинг «табаррук» хоки туфайли

¹⁵⁷ Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма (на примере мазаров Астана-ата и Катта Лангар) / Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: Издательство «Фан» Академии Наук Республики Узбекистан, 1991. – Б. 89.

¹⁵⁸ Тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Гольдциэр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – Б. 86 – 95

кабристон тезда кенгайтирилар ва кўпчилик мусулмонлар авлиё қабри ёнида дафн этилишни ўзлари учун шараф, деб билар эдилар¹⁵⁹. Шу боис ҳам Марказий Осиёда исломнинг ижтимоий воқеъликдаги ўзига хос жихатларидан бири сифатида минтақада муқаддас жойлар (мозорлар)нинг улкан миқдорда мавжудлиги, улар билан бевосита боғланган мифлар (афсоналар), зиёрат маросимларининг борлиги билан боғлиқ, деб тан олинишига сабаблардан бири бўлса керак¹⁶⁰.

Марказий Осиёнинг зиёратгоҳлари мўғуллар давридан аввал деярли кам бўлган. Самарқандда Қусам ибн Аббос, Бухорода Абу Ҳафс ал-Кабир ва Фарғона водийсида Қутайба ибн Муслим қабрларининг бир неча нишонларини топишимиз мумкин, холос. Абу Саид Абул Хайр ҳаёти ҳақидаги VI – XII асрнинг «Асрор ат-тавҳид» асари Хуросон шимолидаги авлиёлар қабрлари ҳақидаги қимматли маълумотларни беради. Давлат томонидан қабрларнинг ҳомийлик намунасининг пайдо бўлиши, айниқса темурийлар даврида Ҳирот, Шаҳрисабз, Туркистон, Термиздаги қабрлар Темурнинг ўз ҳимоясида бўлган. VI – XII аср манбалари шуни кўрсатадики, Эрон ва Марказий Осиёда авлиёлар қабрларига алоҳида эҳтиром кўрсатилган. Бурҳониддин Муҳаммад Умар ал-Бухорий томонидан форсийда ёзилган «Латоиф ал-азҳар лил-худдар вас-суффар» асарида Бухородан Макка ва Мадинага қадар бўлган масофадаги кўплаб шаҳарлардаги авлиёларнинг қабрлари ёритилган ва зиёрат амалиётининг муҳофазаси кўрсатиб ўтилган. Душанбедаги ягона қўлёзмаси бўлган бу асар ҳали тадқиқотга жалб этилмаган¹⁶¹. Бироқ, бу асар мусулмон оламидаги авлиёлар ва уларнинг қабрлари борасидаги изланишлар учун қимматли манба ҳисобланади.

¹⁵⁹ Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма (на примере мазаров Астана-ата и Катта Лангар) / Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: Издательство «Фан» Академии Наук Республики Узбекистан, 1991. – Б. 89.

¹⁵⁹ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б.238.

¹⁶⁰ Қаранг: Бабаджанов Б., Муминов А. Культ святых в Центральной Азии. Взаимовлияние «книжного» и «народного» в исламе / Мир ислама. – Казань.: Центр исламоведческих исследований при Институте истории Академии наук Татарстана, 1999. № 1/2. – Б. 55.

¹⁶¹ Каталог восточник рукописей Академии наук Таджикской ССР, I, Сталинабад 1960, n 188.

IX – XV асрнинг «Тарихи Муллазода» асари Хожа Муҳаммад Порсо шогирди томонидан ёзилган бўлиб, унда Бухородаги авлиёлар қабри ҳақида маълумотлар келтирилган¹⁶².

Исломда аёлларнинг мазорларга зиёрат мақсадида бориши масаласи жуда кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарган. Исломнинг илк даврларида барча мусулмонларга қабрларни зиёрат қилиш Расулуллоҳ (с.а.в) томонидан таъқиқланган эди. Аёлларга эса жанозаларда тобут кетидан эргашиб бориш, мазорларни зиёрат қилиш, ўлик ортидан ўкириб йиғлаш, сочини юлиш каби одатлар буткул ман қилинган эди. Манбаларда келтирилишича, Расулуллоҳ (с.а.в) бу масалага жуда қаттиқ эътибор билан қараганлари учун ҳатто байъат вақтида ҳам баъзи аёллардан ўлик ортидан уввос тортиб йиғламасликка аҳд олганлар. Бу одат ўша давр араб аёллари ичида жуда кенг тарқалганидан етти аёл бунга амал қила олмагани ҳақидаги маълумотлар манбаларда учрайди. Аммо кейинчалик исломда эркакларга ибрат олиш учун мазорларга боришга рухсат берилди. Аёллар хусусида эса Пайғамбар алайҳиссалом ҳеч нарса демадилар, яъни эркаклардангина мазорларга бормаслик ҳақидаги тўсиқ олиб ташланди. Ҳаттоки, жума куни онасининг мазорларига бориб зиёрат қилган кишининг гуноҳлари мағфират этилиши, унинг мазорини фаришталар зиёрат қилиши ҳақида ҳадислар ворид бўлган. Аёлларнинг мазорларга бормаслиги ҳақидаги ҳукм туғрисида ҳеч нарса айтилмади. Манбаларда келтирилишича, Пайғамбар алайҳиссалом аёлларнинг заифликлари, таъсирчанликлари ва фитналарга тез берилиб кетишларини билган ҳолда улар хусусида индамадилар. Мана шу туфайли ҳозиргача бу масалада турли фикрлар ва қарашлар вужудга келди. Шунча таъқиқларга қарамасдан аёлларнинг мазорларга бораверишини исломдан илгариги диний, эътиқодларга боғлайвериш ҳам унчалик тўғри эмас. Зеро, ислом динида ҳам бу ҳолатга хос бўлган муносабатлар шаклланган. Жумладан, Ҳаким Термизий «Наводир ал-усул» асарида ёзади: «Аёлларнинг

¹⁶² DeWeese D. Wali – En Asie Centrale // Encyclopedie De L'ISLAM. –Paris: LAROSE S.A., 1978. – P. 129.

мозорларга боришида фитналарга берилиб кетиш хавфи бор ва бу хатар қиёматга қадар сақланиб қолади. Аммо, ким бундай салбий хулқлардан холи бўлса, жоҳилият даври амалларини, мозорларни масжид қилиб олиш ва чироқ ёқиб қўйиш одатларини қилмаса мозорга қабрни тузатиб (таъмирлаб) қўйиш мозор аҳлига салом бериш, ўлганларни дуо қилиш ва ибрат олиш учунгина келса, фитналарга берилмаслигига ишончи комил бўлса, ҳис-туйғуларини жиловлай олса, бундай аёллар юқорида зикр қилинган таъқиқдан ташқаридалар. Фотима (р.а)дан ривоят қилишларича, улар ҳар йили Ҳамза (р.а) нинг қабрига бориб, уни тузатиб қўяр эканлар. Яна бир қанча аёлларнинг шаҳидлар қабристонларига бориб, уларга салом бериб келишлари ҳақида ривоятлар учрайди. Расулуллоҳ (с.а.в) қизлари Фотима бир куни таъзияга бориб келганида, ундан «Ишқилиб, мозорга бормадингми, агар борган бўлганингда жаннатни кўрмас эдинг» – деб, марҳамат қилганлари ҳақидаги ривоятлар эса исломнинг илк даврларига оиддир»¹⁶³. Шунингдек, Муҳаммад Содик Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асарида ҳам «Зиёрат одоблари» номли бўлимда «Аёллар кам ҳолатлардагина фақат эрларининг рухсати билангина мозорларга бориш мумкин» – деб келтирилади. Аммо, Саудия Арабистонида бир қанча йил муфтийлик қилган ва ислом оламида ўзига хос нуфузга эга бўлган марҳум Шайх Абдулазиз ибн Бозз ўз асарларида қабрларни зиёрат қилиш мавзусини кўриб чиқиб, якунида қисқа ва кескин оҳангда: «Аёлларга қабр зиёрати *мумкин* эмас», деб қатъий хулоса келтиради. Ҳанбалийларда аёлларнинг мозорларга зиёрат учун бориши «макруҳ» амал ҳисобланса, ҳанафий мазҳабида бу амал «мандуб» ҳисобланади. Маълумки, зиёратгоҳлар атрофида шаклланган ибратли ҳикоя, ҳикмат, ривоят ва афсоналар халқ оғзаки ижодининг намунаси сифатида миллий қадриятларимизнинг, маънавий меросимизнинг бир бўлагини ташкил этади.

¹⁶³ Усмонов И. Ўзбек урф-одатларининг диний манбалардаги асослари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2009. – № 4. – Б. 277.

Зиёратгоҳлар учун хос тарзда бунёд этилган меъморий обидалар эса маданиятимизнинг асрий жиҳатларини намоён этмоқда.

Авлиёлар қабрларига эҳтиром совет ҳукумати даврида қаттиқ тазйиққа учради. 1980 йилларда зиёратчилар, норасмий қабрларнинг қўриқчилари кабилар таъқиб остига олинди. 1990 йилдан буён Марказий Осиёда зиёратгоҳларга эътибор яна кучайди. 1991 йил юртимиз мустақилликка эришгач, авлиёларнинг муқаддас қадамжолари қайтадан бунёд этилиб, зиёратгоҳга айлантирилди.

3.2. Культ билан боғлиқ маросимлар

Бугунги кунда мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида турли тасаввуфий тариқатлар фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Ливая, Индонезия, Малайзия, Иордания, Покистон каби мамлакатларда мавжуд тариқатларнинг саноғига етиш ҳам қийин. Шу билан бирга, ушбу сулукларнинг кўпчилиги тасаввуф таълимотининг илк ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик мақоми маблағ тўплағ тўплаш манбаи бўлиб қолган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Туркиядаги кўплаб тариқат вакиллари томонидан шайхларини ўта муболаға билан улуғланиши, уларнинг тавоф қилиниши, шайхларнинг ўз тарафдорлари ва муассасалари мавжудлиги фикримиз исботи бўла олади.

Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган тариқатларнинг урф-одатларига назар солинса, уларда йога, буддавийлик, ҳиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири катталигини кўриш мумкин. Барлавия, Меҳмандия ва бошқа қатор тариқатларда қадимги ҳинд фалсафасидаги таносух, яъни руҳнинг кўчиб юриш ғояси кенг ўрин олган. Улар намоз ва зикр вақтида юқоридан бир жойни бўш қўядилар ва унга Муҳаммад (с.а.в) руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Масжидларнинг қибла тарафида

эса ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабри жойлашган бўлиб, намоздан аввал ва кейин уни тавоф қиладилар¹⁶⁴.

Муқаддас жойларга суфийларнинг зиёрати ўз асосларини «Аллоҳнинг авлиёлари ўлмайдилар, балки бир ҳолатдан иккинчисига ўтадилар», деган ғоясидан олинадиган исломда қўлланиладиган одатий тажрибадир. Бунинг замирида авлиё ва пирларга ҳаётлик чоғларида кўрсатиладиган ўзгача бир иззат-икромлар уларнинг ўлимидан сўнг ҳам давом этади¹⁶⁵, деган рамзий маъно ётади. Авлиёлар мақбаралари ёнида одатда масжид ва дарвеш хонақоҳлари бўлиб, улар авлиёлардан руҳий мадад – ёрдам сўраган яъни уларни воситачи қилган зиёратчи ва такводорлардан катта фойда олишарди.

Ўзига хос бир мисолни XIV аср тарихчиси Ибн Баттута келтиради: Форснинг Қозирун шаҳрида авлиё шайх Абу Исҳоқ Иброҳим ал-Қозируний (XI асрда яшаган)нинг дарвешлар хонақо (зовия)си бўлган. Ҳиндистон ва Хитой билан савдо ишларини олиб борган савдогарлар Ҳинд океанининг даҳшатли бўронлари ва денгиз қароқчиларидан асрашини сўраб, одатда шу авлиёга мурожаат этишарди. Денгиз сафарига кетаётиб, ушбу савдогарлар одатда бу шайхнинг хонақоҳига муайян миқдорда пул эҳсон қилишга ваъда бериб, ушбу миқдордаги пулга ҳужжат тайёрланарди. Кема бандаргоҳга эсон-омон етиб келгач, хонақоҳ ходимлари унга чиқиб, ушбу ҳужжатни кўрсатиб, ҳар бир савдогардан ваъда қилинган пулни олишарди. Ҳиндистон ва Хитойдан келган кема 1000 динар фойда келтирмаслик ҳолати йўқ эди, дейди Ибн Баттута. Хонақоҳ дарвеш ва шайх муридларидан айримлари ўзлари учун садақа тилаб олишарди. Бундай сўровчига мазмуни қуйидагича бўлган васиқа (*барат*) бериларди: «Шайх Абу Исҳоқ номига ваъда бериб, назр атаган кимса ўша назр ҳисобидан фалон миқдордаги пулни фалончига берсин», деб ёзилиб шайх тамғаси босилган кумуш муҳр қизил буёқ билан бўялар ҳамда ушбу васиқага у билан муҳр уриларди. 1000 – 100 кумуш динар ва камроқ миқдордаги васиқалар бўлган. Васиқа эгаси назар атаган савдогар

¹⁶⁴ Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 7.

¹⁶⁵ Субхан Дж.А. Суфизм. Его святые и святыни. – М.: Дия, 2005. – Б. 76 – 77.

олдига келиб, кўрсатилган пулни олар, ҳужжатнинг орқа томонига эса олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берарди. Бир марта Ҳиндистон султони Муҳаммад (эҳтимол 1325-1351 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад шох ибн Туғлуқ) атаган назрига биноан шайх хонақоҳига 10 минг диноҳ тўлаб беради¹⁶⁶. Мазкур хонақоҳ бундай назр-ниёз ва қурбонликлар ҳисобига қандай бойиб борганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Валийларнинг таржимон ҳолида қўлга киритиш учун салмоқли маблағлар сарфланган ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар тез-тез учрайди. Али тарафдорлари айниқса ушбу табаррук оилага тегишли бўлган буюмларга алоҳида аҳамият берилади. Шунингдек, III асрда шиъаларнинг Қум шаҳрида ҳали ҳаёт бўлган бир Алавийнинг бир парча кийими учун 30 минг дирҳам ҳам таклиф қилишарди¹⁶⁷. Гольдциёр ўзининг «Культ святых в исламе» номли китобида Пайғамбарлар, имом, валийлар ва уларнинг мақбаралари култи билан уларга нисбат бериладиган ёдгорликларга эҳтиром кўрсатиш ҳам узвий боғлиқ бўлган. Бундай ёдгорликлар: соч толалари, кийим, жойнамоҳ, ковуш ва салла парчаларини тўплаб, уларни гўёки имомлар, суфий шайхлари ва ҳаттоки Муҳаммад (с.а.в)дан қолган, деб ҳисоблаб, улар билан савдо қилиш – исломда жуда қадимдан пайдо бўлган ҳодиса, деб қайд этади¹⁶⁸. Исломдан аввалги муқаддас тарихнинг эътиборли шахсларидан қолган, ёки қадимги пайғамбарлар тарихи билан боғлиқ буюмларга ҳам мусулмон жамоаси катта эътибор билан қараган. IV асрда Суриядаги кекса аёллар Юсуф деб эътиқод қилинадиган, чириган ҳолда қазиб олинган тобут пайрахаларини ўзлари билан олиб юрардилар. Улар муқаддас тобутдан олинган ёғоч бўлақларини кўз касалликларига қарши энг яхши восита деб ҳисоблаганлар. Маккадан қачонлиги номаълум муқаддас ёдгорлик сифатида Мусо (а.с.)нинг мўъжизакор асо (ҳасса)си ва Иброҳим (а.с.) нинг қурбонликка мўлжалланган ўғли ўрнига келган қуйнинг шоҳи сақланарди.

¹⁶⁶ Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – Б. 238.

¹⁶⁷ Гольдциёр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – Б. 86

¹⁶⁸ Тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Гольдциёр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – Б. 86 – 95

Ҳар иккиси ҳам олтин суви югуртирилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. 930 йил Маккани талон-тарож қилган қарматийлар бу нодир буюмларни ўғирлаб кетишган ва ўшандан бошлаб уларни ҳеч ким кўрмаган. Бу буюмларни қайтариб олиш мусулмонлар учун “қоратош”ни қайтариб олишдек катта аҳамият касб этмаган¹⁶⁹. Бундай ёдгорликлар топилишига қанчалик кўп эътибор берилгани сари, улар шунчалик кўп пайдо бўларди.

VII–VIII асрларда пайдо бўлган, исломдаги мистик йўналиш бўлган суфийлик (тасаввуф) – ўз ичига Шарқнинг қадимги ғоя ва культлари, антик ва христиан дунёқарашлари элементларини олади. Вақт ўтиши билан шаклланган суфийлик доктринасининг турлича вариантлари анча мураккаблиги ва эклектиклиги билан ажралиб турарди. Айнан оддий диндорларнинг диний онгига мўлжалланган «амалий» суфийлик, кўпинча кенг мусулмон оммаси диний ҳаётидаги доминант (асосий омил) сифатида намоён бўларди.

Барча тариқатларда ҳар бир мусулмон одатда бажариши лозим бўлган исломнинг беш аркони, жума намозини ўқиш, жамоат билан намоз ўқиш, садақа бериш ва бошқа ибодатларни адо қилиш каби жиҳатларга қўшимча равишда суфийнинг Аллоҳга яқинлашишини осонлаштирувчи баъзи амаллар мавжуд:

1. Зикр
2. Хилват, чилла, арбаин
3. Робита
4. Сайру сулук¹⁷⁰

Суфийлар диний фаолиятининг энг муҳим кўриниши – ритуал – маросим амалиёти бўлган. Генетик (келиб чиқиш) жиҳатдан қадимги диний тасаввурлар ва культлар билан боғлиқ бўлган ҳолда, халқ оммасига яқин ва тушунарли эди. Бу жиҳатдан ўз иштирокчиларининг асосий қисмидан муқаддас матнларни чуқур ўрганиш ва диний маросимларни ёддан билишни

¹⁶⁹ Гольдциэр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – Б. 86 – 95.

¹⁷⁰ Қаранг: Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 74.

талаб қилмайдиган жамоа культ фаолияти алоҳида аҳамият касб этарди. Унинг асосий субъекти сифатида тариқатларга эргашган суфийлик тарафдорлари чиқишарди. Суфий жамоалари диний ҳаётининг энг жонли элементи – зикр вақти бўлиб ўтадиган *хадра* – дарвешларнинг вақти-вақти билан ўтадиган йиғилишлари эди. Суфийлик ақидасига биноан, зикр чин диний амалиётнинг қалб гавҳаридир. Зикрнинг зарурлиги борасида Қуръони каримда ҳам келтирилган¹⁷¹.

Суфийликдаги зикрнинг мақсади – транс ҳолатига тушиш орқали Яратган висолига ғарқ бўлишдир. Дарвешлар муайян формулалар (аксар ҳолларда Аллоҳ исмлари ва Аллоҳ сўзи бор бўлган сўз бирикмалари)ни кўп бора такрорлаш орқали ирода ва ҳис-туйғуларни босиб, ташқарида намоён қилмаслик, ташқи эмпирик оламдан ажралиб, «илоҳий яқинлик»ка яқинлашишга интилишарди. Бу ҳолатда «Аллоҳга муҳаббат» – зикр қатнашчиси ўзига маслак деб биладиган асосий ҳаракатлантирувчи лаҳзадир. Бунда диний йироқлашувнинг энг юқори даражаси кўпинча диний экзальтациянинг юқори даражасидан келиб чиқадиган шовқинли экстаз шаклида намоён бўларди. Диншунос А.И.Клибановнинг сўзига кўра, «диний экстазнинг тарихан маълум бўлган барча шаклларида индивидуал ва гуруҳ психологиясининг айнан бир механизми фаолият кўрсатади, дин унга нисбатан стимул вазифасини ўтайди»¹⁷².

Кўпинча диний маросимларни қатнашчилари – *заккирлар* сунъий равишда тутқаноқ юзага келтириб, ўзларини вақтинчалик ақлдан озиш ҳолатигача олиб борарди. Аҳмадия дарвешлик тариқати зикрига гувоҳ бўлган бир киши шундай ёзади: «У (заккир) кўзлари юмук, лабларида кўпик билан ерга қулади, катта бармоқларини муштлаб, жон талвасасида қалтирай бошлади... Зикр охирига келиб унда қатнашган аскарлардан бири бир неча бор шайтонлангандан сўнг, даҳшатли овозда бақирар ва бошини у ёқдан бу ёққа силкитар эди. Умуман олганда, зикр охирида унинг иштирокчиларининг

¹⁷¹ Анкабут сураси 45-оят; Аҳзоб сураси 41-оят; Раъд сураси 28-оят, Каҳф сураси 24-оят.

¹⁷² Кириллина С.А. Культново-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – Б. 81.

жонҳолатдаги ва қийноқларга тўла ҳаракатлари ҳайратланарли даражада зикр бошидаги ўзларининг хотиржамликлари ва тантанали руҳдаги жиддий ҳолатларидан ажралиб турарди». Транс ҳолатига етишга ушбу маросимнинг ўзига хос кўп режали ритмик ташкиллаштирилиши, ўзига хос полифония ва тўлқинсимон ритм билан безатилган мусиқий фони сабаб бўларди.

Турли дарвешлик тариқатларининг зикрлари бир-биридан ҳам қатнашчиларининг хатти-ҳаракати, ҳам ўқиладиган матни билан ҳам ажралиб турарди. «Куйловчи ёки увилловчи» – рифоия биродарлиги дарвешлари¹⁷³, «айланувчи» – мавлавия¹⁷⁴, «сакровчи» – исавия¹⁷⁵, «ракс тушувчи» – шуабия¹⁷⁶ ва бошқалар кенг миқёсда тарқалди.

Кўпинча бир-бирига ўхшаш бўлган тариқатлар доирасида бевосита суфий ритуалларига бошчилик қиладиган ва шу билан диндорлар онгини диний йўналтиришда асосий вазифани бажарган шахсларнинг кичик бир гуруҳи ажралиб чиқарди. Ушбу диний маросимларнинг, улар қаторида мистик маросимлар ташкилотчиси вазифасини ҳам одатда биродарликнинг алоҳида филиалларига бошчилик қилувчи халифалар – шайхнинг вакиллари бажарар эдилар. Тариқат иерархиясида халифа қўл остида бўлган шахсларнинг яна бир муҳим тоифаси бўлган. Улар нақиблар – маросимлар амалга оширилиши тартибини назорат қилишга масъул буйруқдорлар бўлган. Тариқатда қабул қилинган диний маросимлар тартиби билан батафсил танишиш мақсадида нақиб кетма-кетлик билан бир неча поғоналарни босиб ўтарди; у ёки бу маросимда қатнашувчи дарвешларга хизмат қилар – сув ташир, қаҳва тайёрларди; кейин унга суфийлар йиғиладиган хонани йиғиштириш ва ёритиш ишониб топшириларди. Синов муддати тугагач, нақиб маросимлар оғаси вазифасини бажаришга қўйиларди – дарвешлар мажлисини очар ва ёпар, ритуал ҳаракатларни назорат қиларди. Бу ҳолатда у

¹⁷³ Иловага қаранг

¹⁷⁴ Иловага қаранг

¹⁷⁵ Иловага қаранг

¹⁷⁶ Иловага қаранг

энди *ан-нақиб ал-кабир* (бош нақиб) ёки *нақиб ул-мажлис* (мажлис нақиб) деб аталарди¹⁷⁷.

XX аср бошларида Қоҳирада кўплаб тариқатларнинг мистик маросимини кузатган таниқли немис шарқшуноси Пауль Коле ушбу маросимнинг асосий элементлари ва ташкилотчиларининг асосий вазифалари ҳақида тушунча берувчи тасвирловчи ҳикояни ёзиб қолдиради: Хадра катнашчилари ҳалқа бўлиб ўтирардилар. Ўртада халифа – *соҳиб ул-лайла* яъни тун зикрининг раиси ўтиради. Унинг ишораси билан мажлис нақиб мажлисни дуо билан очади. Ўтирган ҳолатдаёқ закирлар калимаи шаҳодатнинг биринчи қисми (Аллоҳдан Ўзга илоҳ йўқ)ни 20-30 маротаба қайтарадилар. Кейинги «хува, хува, хуваллоҳ» (У, У, У Аллоҳ) сўзларида халифа ўрнидан туради ва биринчи туриш ишорасини беради. Аллоҳ сўзининг биринчи айтилишида дарвешлар чапга эгиладилар, иккинчисида ўнгга, «хува» сўзи эса шу икки ҳаракат оралиғида айтилади. Буларнинг барчаси тахминан 20 дақиқа давом этади. Халифа буларнинг муайян тезлигини белгилайди. Кейин матн ўзгариб «хуваллоҳу Ҳайй ва Даъим» (У, Аллоҳ тирик ва абадийдир) сўнг «Я Азиз, Я Азиз» (Эй Қудратли, Эй Қудратли) сўзлари янграйди. Биринчи сўз бирикмаси айтилганда тана чапга, иккинчиси айтилганда ўнгга эгилади. Барча сўзлар пичирлаб айтилади. «Аллоҳ қодир» деб айтиладиган сўзларда дарвешлар бошини аввал олдинга эгиб, кейин орқага ташлайдилар, бу ҳаракатлар биринчи ва иккинчи бўғин айтилишига монанд бўлиши керак. «Аллоҳу даъим» (Аллоҳ абадий) сўзлари айтилаётганда ҳам худди шундай бўлади. Тобора тезлашиб борадиган «Аллоҳ, Аллоҳ» сўзлари дам чап, дам ўнгга бўлган ҳаракатлар билан бирга зикрга яқун ясайди. Кейин барча ўтиради Зикр нақиб ўқийдиган дуолар билан тугайди. Дуодан сўнг барча шайх (халифа)нинг кўлини ўпиб, тарқалади. Суфий диний маросимларининг асосий ва ташкилловчи қисмини намоён қилувчи мистик ритуаллардан ташқари дарвешлар мажлисида бошқа

¹⁷⁷ Кириллина С.А. Культново-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – Б. 82.

диний маросимлар ҳам ўтказилар эди. Энг асосийлар қаторига аҳд деб номланган, шогирд – муридларни тариқат аъзолигига қабул қилиш маросими кирарди. Қабул маросими кўпчилик тариқатларида деярли бир хил бўлган. У тариқат раҳбари ёки тариқатнинг бошқа бир олиймақомли вакили қаршисида Қуръон ўқиш, гуноҳларни тан олиб, дарвешлик аҳдини олишни ўз ичига олади. Кўпинча биродарликка аъзо бўлиш учун суфий шайхга байъа (содиқлик қасами) келтириш ва аврад (кундалик дуолар) ўқиш мажбуриятини олишни ўзи кифоя бўлган¹⁷⁸.

Демак, хадра фақат дуо ва ритуал маросимлардан иборат бўлмаган, гарчанд тарихий тадқиқотларда хадра ва зикр сўзлари синоним сифатида қўлланилган бўлсада, суфийлар йиғилиши пайтида ҳам диний, ҳам нодиний эҳтиёжлар қондирилган, шу қатори ахлоқий, эстетик, диндошларнинг ўзаро мулоқотга бўлган табиий эҳтиёжи ва ҳ.к. ҳам. Шундай қилиб хадра доирасида жамоа диний тажрибасининг ўзлаштирилиши билан бир қаторда фикрдошлар ўртасида фаол ва кўпшланли алоқалар ўрнатилад, уларнинг ижтимоий фаоллиги намоён бўларди. Суфий тариқатлари культ фаолиятининг асосий воситаларидан бири такялар – дарвеш маконлари ёки мусофирхоналар бўлган. Улар сезиларли даражада масжидларники билан деярли бир бўлган вазифаларни бажаришар ва XVI аср Миср географи ва тарихчиси ал-Мақризийнинг ибораси билан айтганда, суфийларнинг Яратганга ибодат қилиш мақсадида дунёдан хилватга чекиниш жойлари бўлган. XIX асрнинг охириги чорагида Қоҳирада 18 та шундай ҳонақоҳ фаолият кўрсатган бўлиб, уларда асосан мисрлик бўлмаган суфийлик жамоалари, масалан, мағрибликлар ёки келиб чиқиши араб бўлмаганлар – турклар, форслар, Марказий осийликлар ва бошқалар яшашган. Одатдаги Миср такясига мисол сифатида 1851/52 йилларда Аббос подшо буйруғи билан қурилган Нақшбандия дарвешлари ҳонақоҳини келтириш мумкин. Миср ҳукмдорининг маблағларига сотиб олинган Қоҳиранинг Дил ас-самака

¹⁷⁸ Кириллина С.А. Культурно-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – Б. 82.

кўчасидаги уйлар ўрнига ўз ичига шайх қароргоҳи, махсус намозгоҳ, қудук, суфийлар уйларини ўз ичига олган иншоотлар мажмуи қурилади. Суфийлар уйларида бир вақтнинг ўзида диний маросимлар ўтказишда фойдаланилган. Тақия ичида боғ барпо қилинган эди.

Суфий диний марказлари асосан бу дунё ташвишларидан воз кечиб ўзини буткул мистик «асл ҳақиқат» билан яқинлашишга бағишланган «профессионал» суфийларга бошпана вазифасини ўтарди. Тақия ва зовияларда улар мутассил равишда маънавий машқларга берилишар, айримлари танҳоликда ҳафталар ва ойларни ўтказишар, художўйлик юзасидан узок вақт давомида таомдан воз кечиш орқали жисмларини чиниқтирар эдилар.

Кўпинча табаррук мақбараларнинг зиёрати берилган ваъдага биноан ёки авлиё ҳомийлигига эришиш мақсадида қурбонликлар билан ўтарди. Маросимлар мажмуини бажариш жараёнида диндорлар онги ва ҳатти-ҳаракатида муайян стереотип (қолип)лар ишлаб чиқиларди. Авлиё култи суфийликнинг ажралмас қисми бўлгани ва халқ оммаси онгида Аллоҳга яқинлашиш имконияти борасидаги суфийлик тасаввурлари билан аксарият ҳолларда узвий намоён бўлгани учун ҳам, айнан тариқат вакиллари мусулмонлар оммаси диний ҳатти-ҳаракатининг умумий системасида мазкур стереотипларни мустаҳкамлаш ва қўллаб туриш вазифасини ўз ичига олади.

Авлиёлар култи айрим тариқатларнинг маросим култини асосий қисмини ташкил қиларди. Шу боис, авлиёлар култида бир жиҳат кўзга ташланади. Хусусан, тийжония¹⁷⁹ тариқатининг асосий ғоявий тамойили унинг асосчиси Аҳмад ат-Тийжонийга хос бўлган «мўъжизакор» сифатлар уни ҳам, унинг биродарлигига мансуб бўлганларни ҳам суфийликнинг бошқа тарафдорларидан ажралиб турувчи олий мақомга қўяди, деб ҳисоблаганлар. Тийжонийларга ҳаттоки ўз тариқатлари билан боғлиқ бўлмаган авлиёлар қабрини зиёрат қилишлик таъқиқланган эди¹⁸⁰.

¹⁷⁹ Мисрда 1844 – 1845 йилларда пайдо бўлган.

¹⁸⁰ Кириллина С.А. Культово-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – Б. 84.

Кўпчилик суфийлар ҳаётлик пайтларидаёқ халқ томонидан мўъжизалар яратишга ва ғайб олами билан алоқага киришишга қодир бўлган, Худо танлаган зотлар қаторига киритиб қўйилган эди. Кўп ҳолларда динга чуқур киришиб кетган мусулмонлар ҳеч қандай ҳолатда ҳам руҳий жиҳатдан соғлом деб аташ мумкин бўлмаган авлиё суфийларни алоҳида, ирим-сирим хурофотларига тўла иззат-икром қобиғи билан ўраб олардилар.

Қоидага биноан, муқаддас қадамжолар уларнинг қабрлари қошида бунёд бўлади ва пайшанба оқшомида мазор устига қўйиладиган кичкина лой чироқлар ёқилади ва яна гуллар ҳам қўйилади.

Муқаддас қадамжога ташриф – зиёрат, қабрнинг ўзи мазор – зиёрат жойи, баъзан эса даргоҳ – шоҳ ҳовлиси деб аталган. Одатда авлиёлар мазорларини зиёрат қилиш вақтнда махсус маросимлар бажарилади. Маросимларда қатнашишга рухсат берилган алоҳида инсонлар бу байрамлар пайтида алоҳида иззат-икромга эришган, деб ҳисобланадилар. Муайян авлиёлар билан боғлиқ ўша хос одатларни тасвирлаш ниҳоятда қийин бўлар эди, «аммо, бундай зиёратларнинг одатдаги шакли қуйидагиларни ўз ичига олади: Фотиҳа, Ихлос, Фалақ, Нос суралари овоз чиқариб ўқилади, кейин марҳум руҳига дуо қилгач, дуогўй унга шахсий муоммолар билан мурожаат қилади. Қоидага кўра, бу илтимос бажарилаётган пайтда мазорда ўтказиладиган вақтга онт ичилади. Кўпинча авлиёга сўралган илтимосни эслатиб, қабр ёнига ип боғланади»¹⁸¹.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

– исломда «авлиёлар култи»нинг қонунийлашуви ва кенг тадбиқ этилишига суфийлар катта ҳисса қўшганлар. Энг машҳур суфийлар қабри устига кенг, чиройли мақбаралар барпо қилинди. Кўпчилик мусулмонлар ўз авлиёлари қиёфасида Аллоҳ ва инсонлар ўртасидаги воситачиларни кўради. Авлиёлар қабри ёки мақбараларига улар хотирасининг мангу сақланиш белгиси сифатида алоҳида иззат-икром кўрсатила бошланди;

¹⁸¹ Субхан ДЖ.А. Суфизм. Его святые и святыни. – Москва – Санкт-Петербург.: Диля, 2005. – Б. 76 – 77.

– исломда «авлиёлар култи» уларнинг қабрларига эҳтиром кўрсатиш ва зиёрат қилиш билан узвий боғлиқ бўлди. Авлиёлар мақбараларига сафар махсус *зиёрат* атамаси билан ифодаланди. Авлиёлар қабрлари зиёратига ижмоъ билан фатво берилган бўлиб, бундай зиёрат учун кейинчалик махсус қоидалар ишлаб чиқилди;

– тарихда қўлга киритиш учун салмоқли маблағлар сарфланган ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар тез-тез учрайди. Исломдан аввалги муқаддас тарихнинг эътиборли шахсларидан қолган, ёки қадимги пайғамбарлар тарихи билан боғлиқ буюмларга ҳам мусулмон жамоаси катта эътибор билан қараган;

– «авлиёлар култи» айрим тариқатларнинг маросим култини асосий қисмини ташкил қилган. Баъзи тариқат вакиллари ўз тариқатининг асосий ғоявий тамойили унинг асосчиси бўлган шайхга хос «мўъжизакор» сифатлар уни ҳам, унинг тариқатига мансуб бўлганларни ҳам суфийликнинг бошқа тарафдорларидан ажралиб турувчи олий мақомга қўяди, деб ҳисоблаб, хаттоки уларга ўз тариқатлари билан боғлиқ бўлмаган авлиёлар қабрини зиёрат қилишлик таъқиқланган эди;

–XIII аср охиридан бошлаб тариқат шайхининг меросхўри ва унинг ишининг давомчилари бўлиб, қоидага биноан унинг авлодлари қоладилар. Вақт ўтиши билан шайхнинг дафн жойи у ва унинг авлодлари қабрларига сиғиниш марказига айланади. Ҳаттоки, у ёки бу суфий аллақачон мавжуд бўлган қабристонга дафн этилган бўлса ҳам, айнан унинг «табаррук» хоки туфайли қабристон тезда кенгайтирилар ва кўпчилик мусулмонлар авлиё қабри ёнида дафн этилишни ўзлари учун шараф, деб билганлар;

– культ билан боғлиқ бўлган маросимлар кўпроқ суфийлар диний фаолиятининг энг муҳим кўриниши – ритуал – маросим амалиёти кўринишида акс этган. Ўз иштирокчиларининг асосий қисмидан муқаддас матнларни чуқур ўрганиш ва диний маросимларни ёддан билишни талаб қилмайдиган жамоа культ фаолияти халқ оммасига яқин ва тушунарли эди.

– суфий жамоалари диний ҳаётининг энг жонли элементи – зикр вақти бўлиб ўтадиган *хадра* – дарвешларнинг вақти-вақти билан ўтадиган йиғилишлари эди.

– суфийлар культ маросимларининг асосий ва ташкилловчи қисмини намоён қилувчи мистик ритуаллардан ташқари дарвешлар мажлисида бошқа диний маросимлар ҳам ўтказилар эди. Энг асосийлари қаторига *аҳд* деб номланган, шогирд – муридларни тариқат аъзолигига қабул қилиш маросими бўлиб, кўпчилик тариқатларида деярли бир хил бўлган. У биродарлик раҳбари ёки тариқатнинг бошқа бир олиймақомли вакили қаршисида Қуръон ўқиш, гуноҳларни тан олиб, дарвешлик онтини ичишни ўз ичига олади. Кўпинча биродарликка аъзо бўлиш учун суфий шайхга байъа (содиқлик қасами) келтириш ва аврад (кундалик дуолар) ўқиш мажбуриятини олиш кабилар кирган.

ХУЛОСА

Тасаввуф таълимотидаги валоят (валийлик) мавзуси IX аср охирлари X аср бошларида ислом илмларида долзарб мавзулардан бирига айланган. Зеро, бу даврда ислом илмларининг турли соҳаларида ижод қилган деярли барча алломаларнинг асарларида, у ёки бу даражада мазкур мавзу четлаб ўтилмаган. Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ Тустарий, Абу Саид Харрози каби суфий олимлар қарашларида кўзга ташланган ва ислом илмларининг таркибий қисмига айланган бу тушунчани Ҳаким Термизий ривожлантирди. Шу боис, Ҳаким Термизий асарларининг бош мавзуси – «валоят» ва «авлиёлик» масаласига бағишланади. У деярли барча асарларида мана шу мавзуга алоҳида тўхталади ва тасаввуф таълимотида бу мавзунинг биринчи бўлиб мукаммал ва тизимли шарҳлаган суфий олимлардан бири ҳисобланади.

Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё», «Илм ал-авлиё», «Ал-Масоил ал-макнун» «Манозил ал-ибод мин ал-ибода», «Масоил аҳли Сарахс», «Наводир ал-усул» каби валийликка қарашлари мукаммал очиб берилган асарларидаги шу мавзу ўрганилиб, тасаввуф таълимотига аллома томонидан олиб кирилган «Хатм ал-авлиё» масаласи, у хусусидаги ижобий ва салбий фикрлар таҳлил қилинди. Шунингдек, Ҳаким Термизий қарашларининг тасаввуф таълимотидаги «валоят назарияси»нинг шаклланишига таъсири ва аҳамияти илмий асосда ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

– валийлар Аллоҳнинг дўстлари бўлиб, доимо илоҳий муҳофаза остида бўлувчи, кароматлари зоҳир, дуолари ижобат, солиҳ бандалардир;

– тасаввуф таълимотида валийлик даражаси набийлик даражасидан кейин туради. Валийлар пайғамбарларнинг ворислари сифатида уларнинг ибратли амалларини давом эттирадилар;

– валийлик мавзуси Ҳаким Термизий асарларининг бош мавзуси ҳисобланади ва бу мавзу алломанинг деярли ҳар бир асарида таҳлил қилинади. «Наводир ал-усул» асарида валийларнинг аломатлари борасидаги ҳадисни келтириб, ана шу асосда валийлик ҳақидаги фикрлари келтирилса,

«Масоил аҳли Сарахс» асари савол-жавоб шаклида ёзилганлиги боис, валоят хусусида сўралган саволнинг жавобида бу мавзуга тўхталади. Ҳаким Термизийнинг «Илм ал-авлиё» асарида унинг валийлар илми ҳақидаги мўътадил қарашлари келтирилган бўлса, «Хатм ал-авлиё» асари тасаввуф оламида «валоят мавзуси»га бағишланган биринчи мукаммал манба ҳисобланади. Асарда валийлик кенг таҳлил қилиниб, илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган ва кейинчалик ёзилган асарлар ана шу манбага таянганини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Ҳаким Термизий тасаввуф таълимотидаги «валоят назарияси»нинг асосчиси ҳисобланади;

– Ҳаким Термизий валоятни икки тур (валояти омма ва валояти хосса)га, валийларни ҳам иккига – валий сидқуллоҳ ва валий миннатуллоҳга ажратади;

– Ҳаким Термизий валийликни ҳеч қачон набийликдан устун қўймайди, балки валийликнинг кенгроқ маъно англатишини тушунтиришга ҳаракат қилади;

–тасаввуф тарихида **«хотам ал-авлиё»** иборасини биринчи марта Ҳаким Термизий қўллаб, Қуръони каримдаги **«...Ва хотам ун-набийин»** («...пайғамбарларнинг муҳридир») оятига мувофиқ, «Набийларнинг хатми (муҳри) бўлгани каби валийларнинг ҳам хатми бор ва валоят оламидаги «Хотам ал-авлиё» нубувват оламидаги «Хотам ал-анбиё» кабидир», деган фикрни илгари сурган. Бу ҳақида ўзининг машҳур асарини ҳам ёзган. Унга фикрича, хотам ал-авлиёга «хатм ал-валоя» (валоят муҳри) ҳам бергандир. Бу валий қиёматгача бошқа валийларга Аллоҳнинг ҳужжати бўлади. Муҳаммад (с.а.в)нинг нубувват сидқи бўлганидек, унинг ҳам валоят сидқи бордир. Унга шайтон илаша олмас, нафс уни валоятдан чалғитиб, завқ-сафога етаклай олмас. Муҳаммад (с.а.в) барча пайғамбарларнинг саййиди бўлганидек, хотам ал-авлиё ҳам авлиёларнинг саййиди ва ҳар хусусда уларнинг пешқадамидир. Асарларининг нотўғри тушунилиши оқибатида шарият пешволари уни динсизликда айблаб, ўз ватанидан бадарға қиладилар;

–Ҳаким Термизий таснифидаги валийликнинг энг юқори даражаси – **хатм ал-авлиё** кутб моҳияти билан комил инсондир. Мутафаккир айнан

комил инсон иборасини қўлламаса-да, унинг асарлари мазмунидан ана шу маъно келиб чиқади;

– тасаввуфга Ҳаким Термизий томонидан киритилган «**хотам ал-авлиё**» ҳақидаги таълимот кейинчалик олимларнинг долзарб мавзуларидан бирига айланди. Ўрта аср суфий олимларининг ҳам кўпчилиги бу таълимотни қўллаб-қувватлаб, бу хусусида ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, Ҳужвирий ўзининг машҳур «Кашф ал-махжуб» асарида, Имом Ғаззолий ўзининг «Иҳёи улум-ад-дин», Ибн Арабий «ал-Футуҳот ал-маккийя» ва «Фусус ал-ҳикам» асарларида алломанинг ғояларидан таъсирланиб, ўз қарашларини билдирганлар;

– Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидаги фикрлари кейинчалик Ибн Арабий илмий фаолиятида кенг таҳлил қилинди. Ибн Арабий «хатм ал-авлиё» ҳақидаги қарашларни ривожлантириб, тасаввуф таълимотида «комил инсон» тушунчасини мукаммал ва тизимли концепцияга айлантиришга муваффақ бўлди;

– тасаввуф таълимотида «комил инсон» («ал-Инсанул-комил») тушунчаси илк бор Абдулкарим Жилий «ал-Инсанул комил» асарида кенг шарҳланади. Жилийнинг фикрича, комил инсон – бутун борлиқнинг атрофида вужудга келган кутбдир. Дунё яратилгандан бери ҳар хил пайғамбарлар шаклида кўринган ҳам комил инсондир. Қиёматга қадар энг улуғ валий (кутб) ҳам удир;

Ҳаким Термизий исломий тафаккурда мўътадил мувозанат масаласида барча йўналиш вакиллари билан баҳсга киришар экан, ҳар бир таълимотдан ислом тафаккури учун фойдали, уни янада такомиллаштиришга қаратилган жиҳатларни олишга ҳаракат қилади. Барча инсонларга *ақл ал-фитра* (туғма ақл) табиатан хосдир, уларнинг бурчи ўзининг туғма ақл ва идрокидан тўғри фойдаланишдир. Инсон қалбини илоҳий сир деб билган олим уни фақатгина билим ўзгартириб, камолотга етказиши мумкин эканини уқтиради. Ҳаким Термизий меросини фақатгина тасаввуф билан чеклаш ҳам тўғри бўлмайди. Ҳаким Термизийнинг маънавий ва илмий мероси ўзида ислом илмларининг

турли йўналишларини мужассамлаштиради. У ўз давр маънавиятининг мураккаб муаммоларини таҳлил қилиб, инсон табиатининг такомиллашуви, тинимсиз меҳнат ва камолотга интилиш эканлигини исботлайди. Шу боис, Ҳаким Термизийнинг илмий мероси асрлар ўтса ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, янада долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Ислом дини қабул қилингандан эътиборан турли минтақаларда, хусусан Марказий Осиё халқларининг ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бериб, миллий урф-одатларни ислом дини кўрсатмаларига мослаштириш, яъни исломга зид бўлмаган урф-одатларни сақлаб қолинишида ҳам кўришимиз мумкин. Исломда «авлиёлар култи»нинг шаклланишига айнан мана шу жиҳат ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилди. Ислом дини кўплаб минтақаларга тарқалиши натижасида янги мусулмон оламининг ғарбий қисмларида эски культ ерларининг исломлаштируви ва персонификацияси (бирор-бир шаклга нисбат) бошланган эди. Шунингдек, айрим ҳолларда қадимги диний ривоятлар, урф-одатлар ислом билан алоқаси йўқ ҳолда мавжуд бўлаверган. Қадимги культлар ислом кириб келиши билан буткул йўқ бўлиб кетмади, балки исломий қарашлар билан қоришган ҳолда (синкретик) тарзда ёки уйғунлашган ҳолда сақланиб қолди. Номсиз авлиёларнинг амалда зардуштий илоҳлари ёки исломдан аввалги қаҳрамонларнинг қадимги култи жойлари бўлиб чиққан кўплаб қабрлар шулар жумласига киради. Исломда «авлиёлар култи»нинг шаклланиш тарихи, культ билан боғлиқ маросимлар, бу каби қарашларнинг ҳаёт ҳаётида тутган ўрни илмий асосда ўрганилиб, таҳлил қилинган ва қуйидаги хулосаларга келинди:

- исломда «авлиёлар култи»нинг шаклланиш тарихи исломнинг илк даврларига бориб тақалади. Сабаби исломдан олдинги эски культ жойлар ислом кириб келиши билан йўқ бўлиб кетмай, балки исломий қарашлар билан аралашган ҳолда номлари ўзгариб, ривожланиб борди;

- шунингдек, муқаддас қадамжо деб эътироф этиладиган, аммо умуман исломга тегишли бўлмаган зиёратгоҳлардан ташқари авлиёларнинг мақбаралари орасида ҳам сохталари кўплаб топилади. Бундай муқаддас деб

ҳисобланадиган қадамжода баъзан умуман авлиёнинг хоки бўлмай, шунчаки унга бағишланган жой ҳам бўлиши мумкин бўлган;

– исломдан аввалги муқаддас тарихнинг эътиборли шахсларидан қолган, ёки қадимги пайғамбарлар тарихи билан боғлиқ буюмларга ҳам мусулмон жамоаси катта эътибор билан қараган. Шу боис, бундай ёдгорликлар топилишига қанчалик кўп эътибор берилгани сари, улар шунчалик кўп пайдо бўларди, шунингдек сохталари сони ҳам ортиб бораверарди;

– Пайғамбарлар, имом, валийлар ва уларнинг мақбаралари култи билан уларга нисбат бериладиган ёдгорликларга эҳтиром кўрсатиш ҳам узвий боғлиқ бўлган. Бундай ёдгорликлар – соч толалари, кийим, жойнамоз, ковуш ва салла парчаларини тўплаб, уларни гўёки имомлар, суфий шайхлари ва ҳаттоки Муҳаммад (с.а.в)дан қолган, деб ҳисоблаб, улар билан савдо қилиш ислом оламида кенг тарқалди;

– исломда «авлиёлар култи»нинг қонунийлашуви ва кенг тадбиқ этилишига суфийлар катта ҳисса қўшганлар. Энг машҳур суфийлар қабри устига кенг, чиройли мақбаралар барпо қилинди. Кўпчилик мусулмонлар ўз авлиёлари қиёфасида Аллоҳ ва инсонлар ўртасидаги воситачиларни кўради. Авлиёлар қабри ёки мақбараларига улар хотирасининг мангу сақланиш белгиси сифатида алоҳида иззат-икром кўрсатила бошланди;

– исломда «авлиёлар култи» уларнинг қабрларига эҳтиром кўрсатиш ва зиёрат қилиш билан узвий боғлиқ бўлди. Авлиёлар мақбараларига сафар махсус *зиёрат* атамаси билан ифодаланди. Авлиёлар қабрлари зиёратига ижмоъ билан фатво берилган бўлиб, бундай зиёрат учун кейинчалик махсус қоидалар ишлаб чиқилди.

Ҳаким Термизий биринчилардан бўлиб тасаввуф таълимотида «**валоят**» мавзусига тизимли ёндошган ҳамда шу асосдан келиб чиқиб, «**хатм ал-авлиё**» масаласини ўртага ташлаб, ўзининг асарларида бу тушунчаларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб, суфийларнинг муҳим мавзуларидан бирига айлантирган бўлса, кейинги давр олимлари асарларида

бу мавзу тасаввуфдаги «**комил инсон**» ҳақидаги мукаммал ва тизимли таълимотни юзага келишига замин тайёрлади.

Тасаввуф таълимотидаги валийлик мавзуси олимлар асарларида назарий жиҳатдан таҳлил қилинаётган бир пайтнинг ўзида бу ҳақидаги қарашлар амалий босқичда «авлиёлар култи» – мусулмон оммаси ҳаётида валийларга иззат-икром, шу билан бирга уларнинг қабрларига эҳтиром кўрсатиш ва зиёрат қилиш билан узвий боғланиб кетди. Бу ҳолат исломнинг илк давларида содда кўринишларда намоён бўлаётган бўлса, аммо, кейинчалик тараққий этиб, мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ

1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 524 б.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 32 б.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 430 б.
5. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 118.

МАНБАЛАР

Чоп этилган манбалар

7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 54 б.
8. Абу Ҳомид Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс, ризо китоби / Таржимон Ғ.Жалол. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 148 б.
9. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Т. 17. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева,

- М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – 546 б.
- 10.Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомеъ ас-саҳиҳ: (Ишонарли тўплам): 2 китоб / (Риқоқ) Латиф сўзлар китоби (6502). – Т.: Ўзбекистон миллий университети, 2008. – 624 б.
 - 11.Ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё / Усмон Яҳё нашрга тайёрлаган. – Байрут.: Ал-матбаа ал-қосуликийя, 1965. – 588 б.
 - 12.Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Масоил ал-макнунa / Муҳаммад Иброҳим Жуяший нашрга тайёрлаган. – Қоҳира, 1980. – 168 б.
 - 13.Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган Дироса фий илм ал-авлиё. – Қоҳира, Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррия ал-ҳадиса, 1981. – 276 б.
 - 14.Ат-Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунаи ат-Термизий. Т. 4. Китоб аз-зуҳд. (2390). – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийя, нашр йили кўрсатилмаган. – 652 б.
 - 15.Закий Солим. Ал-Иттижаҳ ан-нақдий инда ибн Арабий. – Қоҳира.: Ал-Мактабат ас-сақофат ад-динийя, 2005. – 556 с.
 - 16.Калободий. Тасаввуф сарчашмаси. (Ат-Таъарруф ли мазҳабит тасаввуф). Арабчадан Отакул Мавлонкул ўғли ва Мавлуда Отакул қизи таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – 144 б.
 - 17.Калобозий. Китоб ат-таъарруф би мазҳаб аҳл ат-тасаввуф / Абдулҳалим Маҳмуд., Тоҳо Сурур нашрга тайёрлаган. – Дамашқ.: Дор ал-Имон, 1986. – 168 б.
 - 18.Суламий Абу Абдурахмон. Табоқот ас-суфийя / Нуриддин Шариба нашрга тайёрлаган. – Қоҳира.: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.
 - 19.Тақийуддин Аҳмад ибн Таймия Ҳарроний. Мажмуа ал-Фатаваа. 20 томлик. Т. 6. – Ар-Риёд.: Дорул Вафо, 1998. – 332 б.

- 20.Тождидин Субкий. Аш-шофеъийа ал-кубро. 6 томлик / Мустафо Аҳмад Ато нашрга тайёрлаган. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1999. Т. I. – 546 б.
21. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: ЎзМЭ, 1997. – 176 б.
- 22.Ҳаким Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 56 б.
- 23.Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний / Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1994. – 112 б.
- 24.Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар Иброҳим Ҳаққул ва Азиза Бектош. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – 264 б.

ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбек тилидаги

- 25.Абдуллаев Р. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий. «Будувв аш-шаън» ёки Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳақида ёзган рисоласи // Сино, 2002. № 7. – Б. 22-25.
- 26.Ал-Ҳаким ат-Термизий. Нодир масалалар. «Масоил аҳли Сараҳс» асари асосида. Араб тилидан Иброҳим Усмонов таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. – 88 б.
- 27.Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. «Наводир ал-усул» асари асосида. Араб тилидан Иброҳим Усмонов таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006. – 60 б.
- 28.Аннаев Т. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Халқ мероси, 1998. – 50 б.

- 29.Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 276 б.
- 30.Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – 192 б.
- 31.Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф сирру-асрори // Мулоқот, 1998. – № 8. – Б. 32-35.
- 32.Жўзжоний А.Ш.Тасаввуф таълимотида комил инсон сиймоси // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2. – Б. 34-40.
- 33.Исақова З. Ислом ва тасаввуфда авлиё аёллар ўрни // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2007. - № 1-2. – Б. 30-33.
- 34.Исақова З. Тасаввуф гулшанидаги орифа аёллар // Имом Бухорий сабоқлари, 2006. - № 1; – Б. 180-182.
- 35.Исақова З. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари асосида): Фал. фан. ном. дис... . – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2007. – 220 б.
- 36.Ислом. Энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
- 37.Исақова З. Тасаввуф қомуси // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2005. - № 4. – Б. 185-187.
- 38.Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 22 б.
- 39.Комилов Н. Маънавий камолот илми // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2003. - № 2. – Б. 4-10.
- 40.Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1995. – 31 б.
- 41.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К. 1. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.

- 42.Комилов Н. Тасаввуф. К. 2. Тавҳид асрори. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, Ўзбекистон, 1999. – 208 б.
- 43.Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005. – 46 б.
- 44.Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 618 б.
- 45.Мансур А., Абдуллаев А. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Буюк алломаларимиз. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 10-13.
- 46.Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси / Н.Ҳасан таржимаси. – Т.: Чўлпон, 2000. – 88 б.
- 47.Мейлиева С. Валий атамасининг таърифи ва талқини // Имом Бухорий сабоқлари, 2007. - № 3. – Б. 196-198.
- 48.Мирзо Ж. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди, – Т.: San'at jurnali, 2007. – 40 б.
- 49.Муртазоев Б. Илм - ҳақиқат, ҳақиқат эса илмдир // Тафаккур, 2009. - № 1. – Б. 78-82.
- 50.Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 1-китоб. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – 50 б.
- 51.Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар / И.Остонақулов нашрга тайёрлаган. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 256 б.
- 52.Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2005. – 268 б.
- 53.Наврўзова Г., Зоиров Э., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. – 135 б.
- 54.Наврўзова Г.Н. Тасаввуфда валий тушунчаси // Сирли олам, 1993. – № 7. – Б. 20-22;
- 55.Сирожиддинов Ш. Ислом фалсафасига кириш: Калом илми. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008. – 132 б.
- 56.Сирожиддинов Ш. Тасаввуф илмининг дарғалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2008. - № 1. – Б. 20-25.

57. Таваккулий Т. Мансур Ҳаллож: Ишқ йўлининг қурбони // Сино, 2003. № - 9. – Б. 11-14.
58. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
59. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Маънавият, 2001. – 40 б.
60. Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий), – Т.: Шарқ, 2005. – 80 б.
61. Усманов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. ном. дис... – Т.: ТИУ, 2005. – 260 б.
62. Усманов И. «Ҳаким» номи хусусида // ТИУ илмий-таҳлилий ахбороти. – Т.: 2004. – № 3. – Б. 32-34.
63. Усмонов И. «Наводир ал-усул» ҳикматлари. – Т.: Фан, 2009. – 176 б.
64. Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотининг ибн ал-Арабий қарашларига таъсири // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003. - № 4. – Б. 183-186.
65. Усмонов И. Мовароуннаҳр ва Хуросонда «тасаввуф» атамаси // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2005 . - № 2. – Б. 29-31.
66. Усмонов И. Ўзбек урф-одатларининг диний манбалардаги асослари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2009. – № 3. – Б. 208-210.
67. Усмонов И. Ўзбек урф-одатларининг диний манбалардаги асослари (давоми, бошланиши ўтган сонда) // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2009. – № 4. – Б. 276-279.
68. Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳақида // ТИУ ахборот илмий таҳлилий бюллетени. – 2004 . - № 1. – Б. 25-28.
69. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004. – 208 б.
70. Чориев З., Аннаев Т., Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 152 б.

Хорижий тиллардаги адабиётлар

Шарқ тиллари

Араб тили

71. Абдулмунъим ал-Ҳифний. Ал-Мавсуа ас-суфиййа. – Қоҳира.: Мактаба мадбулий, 2006. – 1376 б.
72. Барака А. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назариййатуҳу фи-л-валоёя. 2 томлик. – Қоҳира.: Мажма ал-буҳус ал-исламиййа, 1971. Т. I. – 199 б.
73. Жуюший М.И. Ҳаким Термизийнинг «Ал-Масоил ал-макнуна» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира.: Дор ан-наҳда ал-арабиййа, 1980. – 168 б.
74. Сомий Наср. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Илм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Қоҳира, Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррия ал-ҳадиса, 1981. – 276 б.
75. Усмон Яҳё. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Байрут.: Ал-матбаа ал-қосуликиййа, 1965. – 588 б.
76. Мустафо Аҳмад Ато. Тожиддин Субкийнинг «Аш-шофеъиййа ал-кубро» асари нашрининг кириш қисми. 6 томлик. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1999. Т. I. – 546 б.

Турк тили

77. Оташ Сулаймон. İşârî tefsir Okulu / Иккинчи нашр. – Истанбул.: Yeni Ufuklar, 1998. – 358 б.
78. İslam ansiklopedisi. 6-cilt. İstanbul: Maarif Basımevi, 1955. – 410 б.

Ғарб тиллари

Рус тили

79. Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. – М.: Наука, 1980. – 348 с.

- 80.Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма (на примере мазаров Астана-ата и Катта Лангар) / Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Т.: Издательство «Фан» Академии Наук Республики Узбекистан, 1991. – С. 89 – 98.
- 81.Бабаджанов Б., Муминов А. Культ святых в Центральной Азии. Взаимовлияние «книжного» и «народного» в исламе / Мир ислама. – М.: Центр исламоведческих исследований при Институте истории Академии наук Татаристана, 1999. – № 1/2. – С. 50 – 72.
- 82.Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Восточная литература, 1963. Т. 2. – 495 с.
- 83.Басилов В. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. 266 с.
- 84.Гольдциэр И. Культ святых в исламе / Мухаммеданские эскизы /. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – С. 180.
- 85.Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана: Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Т.: "Фан" Уз ССР, 1966. – 30 с.
- 86.Демидов С. Легенды и правда о "святых" местах. – Ашхабад.: Ылым, 1988. – 180 с.
- 87.Йылмаз Х.К. Тасаввуф и тарикаты. Перевод с турец. Азат Урманов. – М.: Сад, 2007. – 300 с.
- 88.Иванов М. О почитании святых в Исламе с точки зрения православного богослова. Богословско-полимическое исследование. – Казань.: 1914. – 220 с.
- 89.Кириллина С.А. Культово-обрядовая практика суфийских братств Египта (XIX – начало XX века) / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – С. 80 – 92.

- 90.Климович Л. Культ святых в исламе и исследования о нем Игнатия Гольдциэра / Культ святых в исламе. – Москва.: ОГИЗ Государственное Антирелигиозное издательство, 1938. – С. 3 – 20.
- 91.Кныш А.Д. Ат-Термизий //Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 237-238.
- 92.Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля, 2004. – 464 с.
- 93.Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
- 94.Субхан Ж.А. Суфизм. Его святыне и святыни. – М.: Диля, 2004. – 198 с.
- 95.Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предис. О.Ф. Акимушкина. – М.: Наука, 1989. – 3 – 326 с.
- 96.Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000. – 414 с.

Француз тили

- 97.Radtko B. Wali – // Encyclopedie De L'Islam. –Paris: LAROSE S.A., 1978. – P.121-128.
- 98.DeWeese D. Wali – En Asie Centrale // Encyclopedie De L'ISLAM. –Paris: LAROSE S.A., 1978. – P. 128-131.

VI. Интернет сайтлари

99. <http://www.sufizmveinsan.com/konuk/sufinedir.html>
100. <http://en.wikipedia.org/wiki/Sufism>
101. http://www.sufii.narod.ru/what_is_sufism.html
102. <http://www.naqshbandi.org/dhikr/dhikr.htm>
103. http://en.wikipedia.org/wiki/File:Dhikr_Rifa-iyya.jpg

104. <http://www.travelblog.org/Photos/2191688>
105. [http://adonay-forum.com/religiya_i_ezoterika_litsom_k_litsu -
litsa ne uvidat/cufizm - svetlaya doroga k bogu/](http://adonay-forum.com/religiya_i_ezoterika_litsom_k_litsu_-_litsa_ne_uvidat/cufizm_-_svetlaya_doroga_k_bogu/)

